ЎзССР давлат китоб палатаси

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 62 (8.260) ◆ 1993 йил 8 апрель, пайшанба ◆ Нархи 5 сўм

• *Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт*

Давлат тасарруфидан чиқариш масалаларига бағишланди

ЯҚИНДА Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси давлат фондининг Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси томонидан ташкил этилган семинар бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идораларнинг вакиллари, банк, солиқ инспекциялари, молия ходимлари иштирок этдилар. Семинарда мулкчиликнинг янги шаклларига ўтиш муаммолари ҳақида гап борди.

Республика давлат фонди шаҳар бошқармасининг ходимлари мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий қоидалари, маҳаллий саноат, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш корхона ва ташкилотларини хусусийлаштириш тартиби ҳақида тушунтириш бердилар. Давлат мулкини сотиб олиш, мулкни баҳолаш хусусиятлари, енгил саноат, қурилиш, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш масалалари кўриб чиқилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси давлат фондининг раиси Р. Т. Раҳимжонов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Семинарни Тошкент шаҳар Ҳокимининг биринчи ўринбосари Ю. А. Асепков олиб борди.

НАҚШБАНДИЙ ҲОКИНИ ТАВОФ АЙЛАБ

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида 6 апрель куни Бухорога келди.

Икки қардош давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Туркия давлат байроқлари ҳамда турфа қутлов лавҳалари билан безатилган Бухоройи шариф тайёрагоҳида ўзбекона меҳмоннавозлик билан кутиб олинди.

Миллий либослардаги ўзбек қизлари, шунингдек, Бухородаги турк лицейи талабалари ҳурматли меҳмонларга гуллар билан пешвоз чиқишди.

Меҳмонларни кутиб олиш маросимида Бухоро вилоят ҳокими Д. Ёдгоров, Бухоро шаҳри ҳокими У. Носиров ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон ва Туркия давлат раҳбарлари ҳамда уларнинг ҳамроҳлари ислом оламининг буюк алломаларидан бири, ватандошимиз Баҳоуддин Нақшбандий ҳазратлари зиёратгоҳига йўл олдилар. Зиёратгоҳда Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол жаноблари пойнга мусулмончилик анъаналарига кўра қўй сўйилди.

Баҳоуддин Нақшбандий масжидининг имом хатиби Мухтор ҳожи Абдуллаев Туркия Президентини шу йилнинг сентябрь ойида Нақшбандий ҳазратларининг 675 йиллик тўйида қатнашишга таклиф этди. Туркия Республикаси Президенти ва унга ҳамроҳ бўлиб келган турк ишбилармонлари ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандий масжидига 45 минг доллар хайрия қилишди.

Сўнгра ҳурматли меҳмонлар Бухоройи шарифнинг тарихий-меъморчилик обидалари — Ситораи Моҳи Хоса, Исмоил Сомоний мақбараси, Пойи Калон меъморий мажмуи ва Лаби Ҳовузни зиёрат қилдилар ҳамда Бухородаги турк миллий маданияти маркази фаоллари билан учрашдилар.

Туркия ва Ўзбекистон давлат раҳбарлари ҳамда уларнинг ҳамроҳлари шу куни Бухородан Тошкентга қайтиб келишди.

Тошкент тайёрагоҳида олий мартабали меҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни республика Олий Кенгаши раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

(ЎзА).

САФАР САМАРАЛИ БЎЛДИ

7 апрель куни Тошкент аэропортида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол бошчилигидаги расмий делегация аъзоларини кузатиш маросими бўлди.

Ҳар икки мамлакат президентлари оммавий ахборот воситаларига берган баёнотларида ниҳоясига етаётган сафар ғоят самарали бўлганини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов олий мартабали меҳмон — Турғут Ўзол жанобларини бутун сафар давомида жумҳуриятимиз раҳбарларигина эмас, оддий меҳнаткаш халқ ҳам улкан меҳр-муҳаббат билан қарши олганини ифтихор билан қайд этди. Бу халқимиз орасида Туркия Президентининг обрўси ортиб бораётганидан далолатдир. Халқимиз жаноб Турғут Ўзолнинг ўзбек—турк дўстлигини мустаҳкамлаш борасидаги ҳиссасига юксак баҳо бермоқда. Аслида биз — ўзбеклар ва турклар икки алоҳида мамлакатда яшаётган бир халқмиз, деди Ўзбекистон Президенти.

Туркия давлат раҳбари сафар давомида муҳим ҳужжатлар имзоланганидан миннатдор этиб, изоҳ этар экан, бўлиб ўтган музокаралар, мулоқотлар натижалари ўзбек ва турк халқларининг 11—12 асрлардан бошланган иқтисодий, маданий алоқалари ривожига янада кенг имкониятлар очажагига ишонч билдирди.

Сўнг Туркия Республикаси Президенти Ўзбекистон давлат ва ҳукумат раҳбарлари, тайёрагоҳда ҳозир бўлган дипломатия ваколатхоналарининг вакиллари билан самимий хайрлашди.

Олий мартабали меҳмон ва унга ҳамроҳлик қилаётган расмий делегация аъзолари Бишкекка жўнаб кетдилар.

Делегация аъзоларини Республика Олий Кенгаши раиси Шавкат Йўлдошев, Бош вазир Абдулҳошим Муталов, Тошкент шаҳар ҳокими Атҳамбек Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

ЭЛНИ СИЙЛАГАННИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ

Аввал хабар қилинганидек, Президент Ислом Каримов 3 апрель куни халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлади.

Кун тартибидаги асосий масалага ўтишдан олдин республикамизда, жумладан, Жиззах вилоятида мавжуд ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисида сўзламоқчиман, деди Президент нутқи аввалида. Бу нарса шунинг учун ҳам муҳимки, муҳтарам депутатларда бугун сессияда кўриб чиқилаётган масала ҳақида эътирозга сабаб бўладиган тушунмовчиликлар қолмаслиги керак.

МДҲ таркибига кирувчи кўпгина республикалардан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда осойишталик ҳукм сураётир. Тўғри, бизда ҳам маълум даражада қийинчиликлар бор. Аммо биз республика бюджетидан катта-катта пул маблағлари, керак бўлса валюта сарфлаб, одамларимиз турмушида етишмовчилик бўлмаслиги чораларини кўряпмиз. Шунинг учун ҳам бизда ғарибу ғурабо йўқ. Нафақалар, стипендиялар ва иш ҳақлари босқичма-босқич ошириб борилмоқда.

Жиззахликлар азалдан меҳнаткаш, қалби очиқ, саховатли инсонлардир, деди Президент, уларнинг бу ажойиб фазилатлари ўтган йили ўзбек элининг ардоқли фарзанди, давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллиги тантаналарида яққол кўринди.

Хабарларингиз бор, 1992 йилнинг бошларида Мирзачўл районида халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сайёр сессиясини ўтказиб, Эркин Турсуновни бир овоздан ҳоким этиб сайлаган эдик. Орадан бир йилдан сал кўп вақт ўтди. Шу вақт оралиғида бирмунча ишлар қилинди. Бундан кўз юммаймиз. Аммо вилоятдаги ишларда камчилик кўпайиб кетди. Ижтимоий-сиёсий аҳволда заифлашиш бор. Жиноятчилик авж оляпти. Халқ хўжалиги соҳаларида ўсиш суръати пасаймоқда. Бошқарув ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Энг ёмони — вилоятда гуруҳбозлик кучайиб кетди. Айниқса, кейинги пайтларда. Бу ҳол республика ҳукуматини ташвишлантирмай қолмайди. Юксак мартабали раҳбарлар бир-бирларига пойлоқчилик қилиб, камчилик топиш пайига тушишди. Оқибат шу бўлдики, қишлоқ хўжалигида аҳвол ёмонлашди. 1992 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш бўйича олинган режалар кўп ҳолларда уддаланмади. Пахта тайёрлаш миқдори 1991 йил билан таққослаб кўрилганида 60 минг тонна камайди.

Чорвачиликда ҳам жуда кўп камчиликлар бор. Гўшт ва сут етказиш режалари уддаланмади. Озуқа экинлари ҳосилдорлиги жуда паст.

Холисона айтадиган бўлсак, ўтган йил ёмон келмади. Фақат ишни оқилона ташкил этиш, раҳбарларга хос қатъият ҳамма жойда ҳам яққол намоён бўлавермади. Натижада кейинги йилларда иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган хўжаликлар кўпайди.

Мен қишлоқ хўжалигидаги салбий аҳвол учун деҳқонлар, пахтакорлар, чорвадорларни ва бошқа касб эгаларини айбламоқчи эмасман. Меҳнаткаш халқ вакилларида асло айб йўқ. Буни бир мисолда кўришимиз мумкин. Маълумки, лалмикор ерларда ҳосилдорлик паст. Олимлар бу соҳада кўп изланишлар олиб боряпти. Лекин уларнинг маслаҳатларини раҳбарлар инобатга олмаяпти. Сизларда «Дон» илмий-ишлаб чиқариш институти (Ғаллаорол тумани) олимлари яхши ғалла навини яратди. Лекин шу нав ҳосилдорлиги яхши ва касалликка чидамли эканига қарамай, эътибордан четда қолди. Буни қандай баҳолаш мумкин? Ахир ғалла масаласи бугун жуда муҳим, сиёсий масалаку! Бу камчиликлар, яна такрорлайман, бошқарувдаги хатоликлар натижасида юз берди.

Маблағни ҳарким ўз ҳудудидан қидириши керак. Солиқ органлари бунга ўз ҳиссаларини қўшиши лозим эди. Афсуски, вилоятда кўплаб корхоналар даромадини яшириб келди. Биргина 1992 йилда ўтказилган текширишларда қарийб 250 миллион сўм солиқ тўланмагани аниқланди.

Энди савдо соҳасини олиб кўрайлик, дея сўзида давом этди Президент, очиғини айтганда, савдода тартиб йўқ. Савдо ходимлари, энг аввало, раҳбарларнинг кўнглини овлайди. Нопок раҳбарлар эса ўз навбатида, уларга ҳомийлик қилади. Бугун ҳар бир маҳаллада, шаҳар ва қишлоқда, туманда кўплаб савдо дўконлари бор. Агарда раҳбарлар талабчан бўлмас экан, савдо ходимларига худо ўзи инсоф бермас экан, на прокурор, на милиция, на бошқа назорат органлари кучи билан тартиб ўрнатиб бўлади.

Менга бир нарса сира тинчлик бермайди. Биз не-не машаққатлар билан, валюта маблағларини сарфлаб Ўзбекистонга, жумладан, Жиззах вилоятига энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келяпмиз. Хўш, уларнинг ҳаммаси ҳам эл дастурхонига тўлиқича етиб бораётирми?

Йўқ, ҳурмати депутатлар! Савдо соҳасидаги ва раҳбариятдаги нопок кимсаларнинг ўзаро тил бириктириб, кўпчиликнинг ризқига кўз олайтириши ҳанузгача давом этмоқда. Булар нима ҳисобига бойлик орттиряпти, деган савол қўйиш тўғрими, йўқми?

Халқимизга қийинчилик билан етказиб берилаётган чой, ёғ, сабзавот ва бошқа маҳсулотларни четга чиқариб юборишга қоллари кўп учрамоқда. «Жиззахстепстрой» бирлашмаси қошидаги «Бўстон», «Сангзор» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси, «Сўғдиёна» фирмасини олайлик. Улар республикадан ташқарига пахта толасини ғайриқонуний равишда чиқариб юбораётган бир пайтда қўлга тушди. 1992 йилнинг ўзида божхона ходимлари томонидан 300 миллион сўмлик маҳсулот ушлаб қолинди.

Мен бир нарсани илгари ҳам айтган эдим, ҳозир яна такрорлайман. Қаллоблик қилган киши жазодан қутилиб қолиши мумкин. Аммо, ўртоқлар, ҳар бир қилмишимиз учун виждонимиз олдида агар бу дунёда бўлмаса, рўзи маҳшарда, яъни охиратда албатта жавоб берамиз. Бугун ҳаром йўл билан бойлик орттирганлар билиб қўйсин: улар қонун олдидаги жавобгарликдан бир бало қилиб қутилиб қолишса ҳам, бу бир кунмас-бир кун муқаррар тешиб чиқади!

Жиноятчилик ҳақида гап кетар экан, бугун: «Биз бу иллатга қарши кураш бўйича ундоқ қилдик, бундоқ қилдик!» дейдиганлар кўпайди. Бу гаплар ёлғон. Ташаббус Президентдан чиқди. Хўш, нима учун у Президентдан чиқиши керак? Жойлардаги мутасадди ўртоқлар нима қилиб ўтирибди? Ҳар ким ўз вазифасини бажариши, халқ олдидаги бурчини адо этиши, нонини ҳалоллаб ейиши керак эмасми?

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари қачонгача марказдан кўрсатма кутади? Қани мустақил ва масъул ишлаш? Қани халқ дарди билан ёниш?

Биродарлар, инсоф қилинглар! Ахир, мен ҳам, гарчи Президент бўлсам-да, ёлғиз бир кишиман. Агар ҳаммамиз бирлашмасак қўлни-қўлга бермасак, ишда силжиш бўлмайди.

Бугун Жиззах шаҳрига кириб келаётиб Наврўз тантанаси устидан чиқиб қолдик. Одамларнинг кайфияти яхши. Энг муҳими, улар ишлаяпти. Бир-бирлари билан аҳил. Биргаликда Наврўзни нишонлашяпти. Хурсанд бўлмай бўладими, ахир! Қанчалик қийин бўлмасин, одамларимизнинг келажаклан умиди бор. Мени шу нарса қувонтирди. Гапнинг рости, ҳар гал одамларнинг юзларига боқиб, уларнинг турмуши янада фаровон бўлиши учун биз раҳбарлар қўлни-қўлга бериб ишлаяпмизми, деб ўйланаман. Келинглар, бу муштакил саволга биргалашиб жавоб ахтарайлик.

Тўғрисини айтиш керак, Жиззах вилояти раҳбариятидаги ўзаро келишмовчиликлар салбий натижаларга олиб келди. Бунинг оқибатида халқ анча қийналиб қолди.

Бугунги раҳбар қатъият билан, қаттиққўллик билан ишлаши лозим. Унинг учун халқ тинчлигини таъминлаш, турмуш шароитини яхшилаш вазифаси барча масалалардан устун туриши керак.

Ўзбекистон Президенти сўзининг охирида вилоятларда ва туманларда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарор бўлиши ёки бўлмаслиги ҳокимнинг қобилияти, қучғайрати, ишбилармонлиги, одиллигига боғлиқ, дея қайта-қайта таъкидлади. Энг муҳими — сўз ва иш бирлиги амалда мужассам бўлмоғи керак.

Шундан кейин Президент ўз ваколатидан фойдаланиб, вилоят ҳокими ва унинг биринчи ўринбосари лавозимларига Алишер Тошкенбоевни ва Аҳмад Соатовни тавсия этди. Вилоят халқ депутатлари уларни якдиллик билан юксак лавозимларга сайлади.

* * *

Сессия тугагач, Президент Ислом Каримов Жиззах вилоятининг янги сайланган ҳокими Алишер Тошкенбоев, унинг муовинлари ҳамда туман ҳокимлари билан суҳбатлашиб, вилоятда юзага келган кўнгилсиз ҳолатларнинг сабабларини яна бир бор батафсил таҳлил қилди.

Ҳеч бир муаммо тўсатдан пайдо бўлмайди, деди Президент, у барча иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган, бепарволик ва боқибеғамлик ҳукм сурган жойда илдиз отади. Ҳар ким, ҳар қайси раҳбар ўз жойида, ўз лавозимида туриб, чекига тушган бурчни ҳалол бажариши керак. Хўжалик миқёсидаги муаммо ва камчиликларни хўжалик раҳбари бартараф этса, туман миқёсидаги ишларни туман раҳбарининг ўзи эпласа, аҳвол бу даражага бориб етмас эди. Бугун қарабсизки, вақтида ечилмаган ўнлаб ва юзлаб масалалар модда бойлаб, ижтимоий ва ҳатто сиёсий тус ола бошлади. Биз тезкорлик билан масалани ўз назоратимизга олмасак ва қатъий чоралар кўрмасак, бир кун бориб, албатта, портлаш юз берар эди.

Собиқ ҳоким Эркин Турсуновга заррача хусуматимиз йўқ, деб таъкидлади Президент, биз у кишини яхши инсон сифатида биламиз ва иззат қиламиз. Аммо шуни айтиш керакки, Эркин Турсунов ҳаммага яхши кўринишни истади, айрим ҳаддидан ошган мансабпараст кимсаларнинг ҳаволаниб кетишига вақтида чек қўймади, муросасозликка борди, натижада вилоятни бошқаришни удда этолмай қолди.

Бугун халқ депутатлари таниқли мутахассис ва олим Алишер Тошкенбоевга катта ишонч билдириб, уни вилоят ҳокими этиб сайлади. Янги ҳоким бу ишончни қаттиқ меҳнати билан оқлаши керак. Алишер Тошкенбоев — ишни биладиган, ҳалол ва самимий инсон. Ғайрати ҳам бинойидай. Лекин, у, агар сизлар — вилоят ва туман раҳбарлари яқиндан туриб ёрдам бермасангизлар, ёлғиз ўзи ишни олға силжитиши қийин. Янги раҳбар вилоятни бошдан-оёқ кезиб чиқиб, аҳволни тузукроқ ўргангунча хийла вақт ўтади.

Агарда вилоят ва туман фаоллари янги ҳокимга келиб, мавжуд ютуқ ва камчиликларни рўйи-рост, ҳалоллик билан, холисона айтишса, ўрганиш даври кескин қисқаради ва шунчалик тез асосий фаолиятга киришиш мумкин бўлади.

Ислом Каримов вилоятнинг янги ҳокимига уч ой мобайнида яқин даврга мўлжалланган режалар дастурини тайёрлашни тавсия этди. Уч ой — етарли муҳлат, деди Президент, бу вақт ичида мавжуд имкониятларни ҳисоблаб чиқиш, устивор йўналишларни белгилаб олиш мумкин. Пухта ва аниқ режа бўлса, иш юритиш осонлашади. Вилоятнинг қурби етмайдиган масалаларни ечишда эса, агар улар ғоят муҳим ва мураккаб бўлса, Ўзбекистон ҳукумати ёрдам беради.

Вилоятда янги ер очишга эътибор бериш керак, деб таъкидлади Президент, чўлдаги пахтазорлар анча «чарчаб» қолган, шўри кўпайган ерларни ўз вақтида даволамасак, асосий валюта манбаи — пахта етиштириш камайиб кетиши мумкин. Табиийки, бу вазифалар сувни қаттиқ тежаш, мавжуд суғориш шохобчаларини таъмирлаш ва янгилаш ишлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Бугунги энг долзарб масала — халқ таъминоти, деб уқтирди Президент, савдо соҳасида бўладими, маиший хизмат соҳасида бўладими — юртдошларимизни, айниқса, болалар ва қарияларни муҳтож ҳолга солиб қўймаслигимиз керак. Элимизнинг сабр-қаноати зўр, аммо ҳақиқий раҳбар дегани одамларнинг бардошини синаш билан эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш, оғирини енгил қилиш билан танилади. Элни иззат қилсанг, эл ҳам сени иззат қилади.

Республика раҳбарияти бугунги кунда тиллага тенг валютани сарф этиб, халққа керакли озиқ-овқат, дори-дармонни етказиб келяпти. Шу нарсаларни тақсимлашда адолат бўлиши керак. Ноҳақлик қилган кимсаларни худо жазолашини кутиб ўтирмай, ўзимиз жазолашимиз керак.

Моддий неъматларнинг яратувчиси — халқ, маънавий бойликлар эгаси — халқ. Халқнинг турмуш шароитини билган, унинг кўнглини олишга қурби етган раҳбаргина одамларни бунёдкорлик ишларига етаклай олади. «Халқим, халқим!» дея оғиз кўпиртириб, аслида эса ақалли бир чўпни олиб бошқа жойга қўймайдиган ҳовлиқмалардан худо асрасин! Яна такрорлайман: раҳбар айтган ҳар бир сўзнинг ўз тошу тарозуси бор, тоғдай ваъдалар бериб бажармаган, арзгўйларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, иш масъулиятини зиммасига олмаган раҳбарларга шафқат қилиб ўтирмаймиз, Бугун шундай даврки, у биздан қатъият ва ғайрат талаб этади. Ойда бир марта халққа кўриниш бериб, кейин яна бир ойгача соясалқиндан ҳаловат топадиган тўра ва тўрачаларнинг замони ўтди!

Президент яна бир муҳим масалага — кадрларни танлашга алоҳида тўхталди. Жиззах вилоятн раҳбарлари ўртасида тарқалган маҳаллийчилик ва уруғчилик кайфиятини аёвсиз танқид қилди. Агар шу ярамас иллатдан қутилмас эканмиз, биз ҳеч қачон ҳақиқий миллат бўлиб шакллана олмаймиз, деди Президент. Илгари бу кайфиятга зимдан ва атайлаб рағбат берилар эди. Бугун биз, бутун Ўзбекистон аҳли, озодликка чиқиб, Ватанимизнинг буюк келажагини кўзлаб турган пайтимизда, «сен — зоминликсан», «сен — форишликсан» ёки «сен — жиззахликсан» деб тойфакашлик, тарафкашлик қилиш гуноҳи азим эмасми?! Қачон биз халқ бўламиз, қачон тўдабозлик ва гуруҳбозлик касалидан халос бўламиз?!

«Ўзимиздан бўлсин!» деган гаплар энди ўтмайди. Кадр танлашда шахсий муносабатларга берилишга, ошна-оғайнигарчиликка чек қўямиз. Бугун барчамизнинг илдизимизни чамбарчас боғлайдиган буюк бир тушунча борки, бу — мустақил Ўзбекистондир! керак бўлса, Ўзбекистоннинг истиқлоли ва истиқболи учун ҳаммамиз жонимизни фидо қиламиз. Ўзбекистонимиз, асрий зулматдан халос бўлган жаннатмонда Ватанимиз, биз учун ҳамма нарсадан улуғроқ ва устунроқдир.

Жиззах аҳли — бағрикенг, меҳнатдан қочмайдиган эл, деди Президент сўзининг охирида, унга адолат ва ақл билан бошчилик қиладиган раҳбарлар керак. Янги ҳоким — Алишер Тошкенбоев ёнига фидойи ва ишчан инсонларни йиғиб, вилоятда тўпланиб қолган муаммоларни ўз вақтида ҳал этади, деб умид қиламиз.

Суҳбат охирида Жиззах вилояти ва туманлари ҳокимлари ўз ишлари ҳақида қисқача ахборот бердилар. Президент Ислом Каримов республика аҳамиятига молик айрим муаммоларни ҳал этишни суҳбатда ҳозир бўлган ҳукумат раҳбарларига топширди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Марлон Умурзоқов, қишлоқ хўжалиги вазири Норбек Қаюмов ва бошқалар қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати.

Тошкент шаҳар Ҳокимининг фармойиши

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ:

1. Рустам Абдуҳакимович **Калонов** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Юнусобод тумани ҳокими вазифасидан озод этилсин.

2. Атҳам Каримович **Қосимов** Юнусобод тумани ҳокими этиб тайинлансин.

Тошкент шаҳар Ҳокими А. ФОЗИЛБЕКОВ.

1993 йил 8 апрель.

* * *

Атҳам Каримович Қосимов 1951 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли, Ўрта Осиё педиатрия институтини тугаллаган. Меҳнат фаолиятини соғлиқни сақлаш муассасаларида врачликдан бошлаган, Киров тумани ижроия комитети раиси вазифасида ишлаган. 1992 йил 1 январдан Юнусобод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● 7 апрель куни Қишлоқ хўжалик вазирлигида вазирликлар, вилоят, туман ва мутасадди идоралар раҳбарлари иштирокида алоқа тармоқлари орқали ўтказилган кенгашда экиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари муҳокама этилди.

● Ўзбекистон тинчлик ва тотувлик жамғармасининг навбатдан ташқари пленумида бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан М. Зоидов ушбу кенгаш раиси вазифасидан озод этилди. Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева кенгаш раиси этиб сайланди.

● Тожикистоннинг Ленинобод вилояти вакиллари Тошкент вилоятига ташриф буюрдилар. Ҳар икки вилоят ўртасида иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан амалий чоралар белгиланди. 12 апрель куни Тошкент вилояти вакиллари Хўжандга боришади.

● Бухоро вилоятида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида хизмат биносининг томи ўпирилиб тушиши натижасида беш киши ҳалок бўлди ва бир ҳарбий хизматчи жароҳатланди. Фалокат сабабларини аниқлаш учун ҳукумат комиссияси тузилди. Республика ҳукумати фожиали ҳодиса натижасида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ҳамдардлик изҳор этди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Туркия Республикасининг Президенти Турғут Ўзолнинг Қирғизистонга уч кунлик расмий ташрифи бошланди. Олий даражадаги учрашувда Қирғизистон билан Туркия ўртасида ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш режаланган.

● Покистонга расмий ташрифини тугаллаган Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козирев бугун Душанбега келади.

● Украина Президенти Леонид Кравчук Россия раҳбарияти билан ядровий қуроллаҳа масалалари бўйича олий даражада учрашув ўтказишни таклиф этди.

● Москва ҳокимияти расмий вакили апрель ойи охирига бориб шаҳарда уй-жой — коммунал хизматларининг ҳақи ўн баробарга оширилиши мўлжалланаётганлигини айтди.

● Кечадан бошлаб Москвада А-93 бензинининг 1 литри 80 сўм, А-76 бензини эса 70 сўм нархда сотила бошланди.

● Рублнинг қадри янада пасайди. Москва банкларо валюта биржасида бўлиб ўтган савдода АҚШ 1 долларининг қиймати 712 рублга тенг бўлди.

● Олмаотада жамоат тартибини қўриқлашда ички ишлар ходимлари билан Қозоғистон Республикасининг гвардиячилари ҳам иштирок этмоқдалар.

ХОРИЖДА

● Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши Арманистон ва Озарбайжондан ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиш ва қўшинларни босиб олинган ҳудудларидан олиб чиқиб кетишни талаб этди.

● Стокгольмдаги тинчлик тадқиқотлари институти маълумотларига кўра, «совуқ уруш» тугаганидан сўнг жаҳонда қуроляроғ экспорт қилиш тахминан 50 фоизга камайди ва ҳозирги пайтда унинг ҳажми 20 миллиард долларни ташкил этади.

Н. Тожиев Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида энг илғор ишчилардан биридир. У 27 йилдирки, корхонада йигувчи касбида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

СУРАТДА: Н. Тожиев.

А. Кондрашкин суратн.

• *Атамалар комиссияси изоҳ беради*

НОМЛАНИШЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МАҚСАДИДА

«Тошкент оқшоми»нинг 2 апрель сонида шаҳримиздаги айрим маданият муассасалари ва кўчалар номлари ўзгартирилганлиги ҳақида маълум қилинган эди. Бир қанча муштарийлар таҳририятга нима учун Ғафур Ғулом кўчаси номи ўзгартирилганлигини сўраб мурожаат этишди. Шунинг учун биз Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг масъул котиби Ҳ. Иброҳимовдан буни изоҳлаб беришни илтимос қилдик.

— Маълумки, илгари Чилонзор туманидаги кўча Ғафур Ғулом номига қўйилган эди. Кейинчалик Хадра майдони ҳудудида метронинг «Ғафур Ғулом» бекати ишга туширилиши муносабати билан шу атрофдаги марказий кўчалардан бири—Ойбек кўчасига Ғафур Ғулом номи берилди. Бундан метронинг «Ғафур Ғулом» бекати билан кўчанинг бир номда аталиши кўзда тутилган эди. Метронинг «Ойбек» бекатига туташ бўлган кўчага эса Ойбек номи берилди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, Сергели туманида ҳам шу пайтга қадар Ғафур Ғулом номи билан аталувчи кўча бўлган. Тошкентдаги кўчалар номланишларини тартибга солиш мақсадида ҳамда Сергели тумани ҳокимлиги ва шу тумандаги бир неча маҳалла аҳлининг илтимосига кўра бу тумандаги Ғафур Ғулом кўчасига унинг тарихий номи — Толариқ номи берилди.

Муштарийларга айни пайтда шаҳримизда Ғафур Ғулом номи билан Шайхонтоҳур туманидаги 169-мактаб ва маҳалла аталишини ҳам эслатиб қўймоқчимиз.

ҲАР КУНИМИЗ БЎЛСИН НАВРЎЗ!

ФАЙЗЛИ ЎТДИ

Кунн кеча Охунбобоев номли бош кийимлар ишлаб чиқариш фабрикасининг ҳам чевар қизлари халқимизни кўркам, бежирим бош кийимлар билан таъминлаш билан бир қаторда ҳазил-мутойибага бой, моҳир қўшиқчи ва раққоса ҳам эканликларини намойиш этдилар. Бунга биз Наврўз тантаналари куни яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Фабрика ҳовлисида ўрнатилган катта байрам дастурхони фабрикада узоқ йиллар меҳнат қилган, ҳозирда кексалик гаштини сураётган меҳнат фахрийлари ҳамда айни кунларда бу даргоҳнинг шуҳратини таратаётган чевар қиз-жувонлар билан гавжум бўлди. Қизлар чевар бўлибгина қолмай, қўли гул пазанда ҳам эканлар. Улар қўли билан тайёрланган турли хил печеньелар, кўк сомса, кўк манти, ҳар хил баҳор салатлари байрам дастурхонига алоҳида кўрк бағишлади. Байрам кечасида намойиш этилган миллий қадриятларимизни акс эттирувчи композиция йиғилганларга ғоят манзур бўлди. Айниқса камалакранг атлас либосда ял-ял товланиб, бошини қуйи солганча келинчакнинг кириб келиши кечага янада файз киритди. Фабрикада Наврўз байрами ана шундай мазмунли ўтди.

Ойдин МИРЗАХОНОВА.

СУРАТЛАРДА: Охунбобоев номли Тошкент бош кийимлар фабрикасида ўтказилган Наврўз байрамидан лавҳалар.

МАВЗЕДАГИ МАЙДОНДА

ЮРТИМИЗНИНГ барча шаҳарлари ва қишлоқларида айни кунларда ҳам Наврўз айёмига бағишланган тантаналар қизғин давом этаётир. Шайхонтоҳур туманининг Ибн Сино мавзесидаги байрам тадбирлари бунинг яққол исботидир.

Эрта тонгдан янграган шўх мусиқа садолари катта-ю кичикни мавзе марказидаги кенг майдонга чорлади. Шайхонтоҳур тумани ҳокими Адҳам Миржалилов барчани Наврўз айёми билан муборакбод этгач, сўзга чиққан мавзе уруш ва меҳнат фахрийлари жамоасининг бошлиғи Карим Мансуров жумладан шундай деди:

— Маълумки, Наврўз халқимизнинг қадимий ва севимли айёмларидан ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда ҳам у фақат бир кун давом этмайди, қалбида эзгу ниятлари, орзулар жўш урган пок ниятли инсонлар уни бир ой ҳам тантана қилишлари табиий ҳолдир.

Гарчи мавзеимизнинг ташкил топганига беш-олти йил бўлиб қолган эрсада, барчамиз жамулжам бўлиб шундай қутлуғ айёмни илк бор кутиб олаяпмиз. Бугунги кун шуниси билан янада қадрлидир.

Шундан сўнг Шайхонтоҳур тумани маданият уйининг Воҳиджон Одилов бошчилигидаги санъаткорлари жамоаси, 261-мактабнинг «Ҳилола» дастаси аъзолари, Сирдарёдан ташриф буюрган полвонлар, дорбозлар, қизиқчилардан ташкил топган миллий цирк гуруҳи маҳоратларини намойиш этдилар.

Туманнинг қўли ширин ошпазлари томонидан тайёрланган ранг-баранг таомлар барчага манзур бўлди.

Ҳамидулла ИУЛДОШЕВ.

СУРАТДА: Ибн Сино мавзесида ўтган байрам тантаналаридан лавҳа.

Муаллиф сурати.

МЕҲМОНЛАР МАМНУН БЎЛИШДИ

КЎП қаватли уйлардан ташкил топган «Катта Чилонзор» маҳалласи аҳли Наврўз байрамини нишонлаш учун эрталабдан тарадуд кўра бошлади. Барча уйлар атрофидаги йўлкалар ва тантана ўтказиладиган очиқ майдонга сув сепилиб, супуриб-сидирилди.

Соат миллари 12 га бонг урганда маҳалла комитети раиси Зоир Атаматов ноз-неъматлар билан безатилган дастурхон атрофига тўпланган турли миллат вакилларини ва қўшни маҳаллалардан таклиф қилинган меҳмонларни қутлуғ айём билан табриклади. Сўнгра қаровчиси йўқ қариялар ва кам таъминланган оилалар минг сўмдан пул мукофоти билан тақдирланди.

Тантанага таклиф қилинган, маҳалла ҳудудида жойлашган Покистон элчихонаси ходимлари байрамга алоҳида файз киритдилар. Улар ош ва сумалак тановул қилиб, олдиларига қўйилган турли пишириқларни татиб кўрган ҳолда халқимизнинг тобора мустаҳкамланиб бораётган миллий анъаналари ва расм-русумларига юксак баҳо бердилар.

Хуллас, қўшиқлар рақсларга уланиб, оқшомгача давом этган байрам тантаналаридан ёшу-қари ҳам, покистонлик биродарларимиз ҳам жуда мамнун бўлдилар.

ҲОМИЙЛАР МАДАДИ

«БИРИНЧИ Чилонзор» маҳалласида ҳам Наврўз байрами ўзига хос тарзда нишонланди.

Қайта таъмирланган чойхона ҳовлисидаги чиройли қилиб безатилган дастурхон атрофига йиғилган ўндан ортиқ миллат вакилларининг лабида кулгу, чеҳрасида табассум. Маҳалла комитети раиси, уруш ва меҳнат фахрийси Турсуналн Раҳимов тантанага тўпланганларни қутлуғ айём билан табриклаб ҳозирги иқтисодий танглиқдан тезроқ чиқиш ва халқ фаровонлиги йўлида бутун куч-ғайратини аямаётган Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг олиб бораётган доно сиёсатини маъқуллаган ҳолда Ўзбекистонда, хусусан маҳаллада истиқомат қилаётган аҳолининг аҳил ва иноқ яшаб, янада жипслашишга даъват этди. Шундан сўнг байрам қатнашчиларига ош тортилди.

Шуни таъкидлаш керакки, Наврўз байрамини нишонлашга маблағ ажратган маҳалла ҳомийлари — «Ўзбекнефтгаз» ва «Ўзбекгазмонтаж» ташкилотлари тантананинг завқли ва мароқли ўтишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Исмоил ЗОИРОВ.

ВАТАНДОШЛАРИМИЗ ИШТИРОКИДА

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасида покланиш ва янгиланиш байрами — Наврўзга бағишланган тантаналі кеча бўлиб ўтди. Кечада Ўзбекистондаги хорижий давлатларнинг элчихона ва ваколатхоналари вакиллари, Тошкент шаҳрининг корхона ва ташкилотларида фаолият кўрсатаётган ва олий ўқув юртларида таҳсил олаётган хорижий ватандошлар ҳамда Миллий уюшманинг фаоллари иштирок этдилар.

Кечани миллий уюшма раиси Н. Ғойибов кириш сўзи билан очиб, меҳмонларни Наврўзи олам билан табриклади.

Сўнг афғонистонлик ватандошимиз ҳуқуқшунос олим Абдул Ҳаким Шаърий Жузжоний, туркиялик ватандошимиз Жўра Қори Бўтакўз, суриялик ватандошимиз Муҳаммад ал-Бухорийлар ҳам ўз дил сўзларини изҳор этдилар.

Тантанага ташриф буюрган Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи мукофотининг совриндори Ғиёс Бойтоев ва хонанда Мавлуда Асалхўжаевалар дилрабо қўшиқлар ижро этдилар. Ўзбекистон халқ артисти Малика Аҳмедова раҳбарлигидаги даста раққоса қизларининг чиқиши меҳмонларни хушнуд этди.

Кеча сўнгида меҳмонларга эсдалик совғалари топширилди.

Нозбахон АЗИЗОВА.

БАЙРАМ ГАШТИ

ШАҲРИМИЗДАГИ барча ташкилот ва корхоналарда миллий байрамимиз Наврўз кенг нишонланмоқда. Уларнинг ҳар бирида ўзгача олам ва ўзгача қувонч. Яна шуниси қизиқарлики, айрим ташкилотларда қўш байрам нишонланиш билан бирга, ишлаб чиқаришда эришилаётган ютуқлар ҳам алоҳида тантанага уланмоқда.

Шаҳримиздаги йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланган Ўрта Осиё электр аппаратлари илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтган тантана фикримизнинг исботидир. Чунки корхона ишчи-хизматчилари уч ойлик кўрсаткични мўлжаллангандан илгари ортиғи билан бажаришди. Шунингдек ҳорижий ўлкаларга юборилиадиган маҳсулотларнинг тури яна икки-учтага ортгани ҳам қувонарли ҳол, албатта. Шунинг учун ҳам бу корхона билан иқтисодий алоқа қиладиган давлатларнинг айримларидан, масалан Хитой ва Мўғулистон элчихоналарининг вакиллари ҳам бу тантанада иштирок этишди. Корхона аёллари томонидан тайёрланган сумалак ва паловдан татиб кўриб, ўзларининг дил изҳорларини баён этишди.

Тантанада иштирок этганларнинг барчаси, сўзсиз ўз маҳоратини, санъатини, уддабуронлигини намойиш этишга ҳозирланишган. Қўшиқ кетидан қўшиқ, шеърхонлик ва рақслар авжига чиқиб, барчанинг қалби қувончга тўла эди. Шундай кунда ва шу кунларга етганлигимиздан бағоят мамнун бўлиб шукроналар эшитдик. Корхона раҳбари Абдуманноп Алимбоев ҳам дил сўзларини изҳор этди:

— Меҳрибон, жонкуяр жамоамизнинг аъзолари учун бу кун жуда ҳам қутлуғдир. Шундай кунда ўйнаб-қувнаётганимиздан, шодликка тўлаётганимиздан беҳад мамнунман. Наврўз минг йиллардан бизга мерос қолган, олис аждодларимиз қутлуғ санаган бу байрам замирида олам-олам мазмун бор. Наврўз — табиатнинг уйғониш тўйи, она ерга муҳаббат тўйи, эзгу умидлар тўйидир. Наврўз — эзгулик байрами. Биз она юртимизнинг ҳамиша тинчликда, омонликда бўлишини истаймиз. Бундан буён мустақил Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнаб, корхонамиз маҳсулотларининг ҳар бир тури жаҳон дарвозасини очсин.

Тантана сўнггида пишириқлар ва ижро этилган рақслар, қўшиқлар учун якун ясалди. Ҳар бир юмушда энг илғор бўлган 08 ва 05-цехлар бу галги байрамнинг ғолиби деб топилдилар.

— Ҳар бир байрамнинг ўзига хос гашти, таровати бор, деб жуда тўғри айтдингиз, — дейди бирлашма касаба уюшмаси раиси Раиса Водовозова. — Ишчиларнинг яхши ишлашлари учун ҳам, тадбирларни яхши ўтказиш учун ҳам албатта рағбатлантириш керак. Ана шундагина ижобий натижага эришамиз. Биз бугун тантанада иштирок этиб шахмат ўйнаганга ҳам, оғир тош кўтарганга ҳам, рақсга тушиб қўшиқ айтганга ҳам имкони борича нимадир совға тақдим этдик. Бунинг учун 50 минг сўм маблағ ажратгандик. Қилаётган ишимиз самарали бўлиб, маблағларимиз яхшиликка, тўкинчиликка сарфланаётганидан ғоят мамнунмиз.

Гулзода АБДУЛЛА қизи.

СУРАТДА: бирлашма рақоса қизлар дастаси ўз маҳоратини кўрсатмоқда.

Рустам Шаришов сурати.

Бир оила фарзандидек

ЎЛКАМИЗГА фасллар келинчаги баҳорнинг кириб келганига ҳам бир ойдан ошди. Она табиат аста-секин ўзининг қишки пўстинини ечиб, яшил либосга бурканмоқда. Қушларнинг чуғур-чуғури, узоқдан майин шаббода олиб келаётган хушбўй бодом гулининг ҳиди қандайдир ҳузур бағишлайди. Юрагингиз ширин ҳислар билан тўлиб-тошади. Баҳор нафаси уфуриб турган тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб симирасиз.

Бир неча кундирки ўлкамизда Наврўз байрами кенг нишонланмоқда. Қайси бир корхона, ташкилот ёки билим даргоҳига қадам ранжида қилманг Наврўз байрами шодиёналари устидан чиқасиз.

Яқинда шаҳримиздаги Ўзбекистон хореография билим юрти жамоаси ҳам Наврўз байрамини зўр шоду хуррамлик билан нишонладилар.

Байрам дастурхонига ўқувчиларнинг ота-оналари, меҳнат фахрийлари таклиф этилди. Жарчилар карнай-сурнай садолари остида йиғилганларни катта залга чорладилар. Шу пайт зар либосларга бурканган подшоҳ залга кириб келди. У аввало йиғилганларни улуғ айём билан қутлади, сўнгра байрам муносабати билан жамоат ишида фаол иштирок этган, аъло баҳоларга ўқиётган бир гуруҳ талабаларни ўз хазинасидан пул мукофоти билан тақдирлаганини билдирди. Зални ларзага келтириб баҳор вальси янгради. Қўлларида гул тутган бир гуруҳ гўзал қизлар саҳнада чарх уришарди, гўё саҳнада бир даста гул рақс тушаётгандек. Сўнгра оқ ҳарир либосга бурканиб, бошда гулчамбар, бир сават баҳор гулларидан кўтарганча Баҳорой кириб келди. У билан бирга олам-олам қувонч, шодлик, ширин ҳислар кириб келгандек бўлди.

Куй қўшиққа, қўшиқ рақсга, рақс яна ўз-ўзидан қўшиққа уланди. Ўқувчилардан Севара Ҳамроева, Нилуфар Усмонова, Комил Умматов, Ботир Сайфуллаевлар ижро этган «Жонон», бухороча рақс, «Қўғирчоқ» рақслари ҳамда «Отасининг қизи», «Отелло» саҳна асарларидан намойиш этилган кўринишлар барчага манзур бўлди. 2-курс толиби Стац Ломакин куёв, Зоҳид Ражабов Отелло ролини зўр маҳорат билан ўйнадилар.

Шуниси диққатга сазоворки, бир неча миллат фарзандлалари таълим олаётган бу даргоҳда байрам дастури фақат ўзбек тилида олиб борилди. Рус, корейс, тожик, қорақалпоқ, қозоқ миллатига мансуб ўғил-қизлар ҳам шу куни ўзбекча кийиниб, ўзбекча қўшиқ айтдилар, ўзбекча рақс тушдилар. Бир онла фарзандлари бўлиб бирлашдилар. Улар ижро этаётган шеър, қўшиқ, рақслардан билим юрти муаллимлар жамоасининг байрамга астойдил тайёргарлик кўрганликлари сезилиб турарди.

— Бўлмасам-чи байрам байрамдагидек ўтиши керакда, — дейди ўқув ишлари бўйича билим юрти директори ўринбосари Доно Умарова. Ўзингиз кўрдингиз ҳатто раҳбаримиз ҳам бир четда қўл қовуштириб турганлари йўқ. Шоҳ ролини директоримиз Исроилжон Ҳасанов ижро этдилар.

Байрам кечамизнинг шундай файзли, қувноқ ўтишида муаллимларимиз Турсуной Очилдиева, Саодат Шермуҳамедова, Дилфуза Мариповаларнинг ҳам хизматлари катта бўлди.

Байрам сўнгида меҳмону мезбонлар дастурхонга таклиф этилдилар. Билим юрти қошидаги ошхонанинг қўли гул ошпазлари тайёрлаган байрам оши барча-барчага манзур бўлди.

Озода МИРЗАЕВА.

** Хорижда фан-техника*

СИФАТЛИ ВА АРЗОН

БУНДАН 200 йил аввал (1793 йил) бир америкалик олим томонидан «Хин» номли пахта тозаловчи машина ихтиро этилган эди. Унга қадар пахта толаси чигитдан қўл билан ажратилар эди.

XIX асрнинг 80-йилларигача Туркистонда пахтани тозалашда чиғириқдан фойдаланилган. «Хин» машинаси жуда оддий бўлиб, сув, от кучи ёки қўл билан ишлатилар эди. Бу машина соатига 50 киши бажарган ишни қилган.

Техника ривожланиши билан бу машинага талаб камайди. Ҳозир электр кучи билан ишлайдиган ва жуда катта ҳажмдаги пахтани чиқитдан тозалайдиган машиналардан фойдаланилмоқда. Ҳозирги замон пахта тозалагич машиналарида аксарият пахта толаси чўзилиб кетади ҳамда унинг сифат даражаси ҳам унча бўлмайди.

Пахтакор етиштирган пахтага тўқимачилик ширкатлари пахтанинг сифати, яъни тозалиги, толанинг узунлиги, рангига қараб баҳо қўядилар. Пахтанинг сифатли бўлиши унинг нави ва тозалаш машинасига ҳам боғлиқдир. Пахта тозалаш машиналарининг деярли ҳаммаси бир хил ишлайди. Аввало толани чигитдан ажратади, сўнг уни тозалайди. Лекин, бу иҳоятда ифлос пахта учун яхши. «Хин» машинасида тозаланган пахтанинг сифати эса жуда яхши бўлади.

АҚШ қишлоқ хўжалик вазирлиги муҳандисларидан Стенли Антони «Хин» машинасини такомиллаштириб, компьютер ва фотокамералар ўрнатилган пахта тозалаш машинасини яратди. Энди у соатига 22 минг килограмм пахтани тозалаши мумкин.

Машинага ўрнатилган камера компьютерга пахтанинг охирги даражаси қанча бўлишини кўрсатади. Компьютер эса тозаланаётган пахтага қанча ранг кераклигини англатади, сўнг пахтани қуритиш учун машинанинг бошқа қисмига ўтказади.

Муҳандис Антонининг пахта тозалаш машинасини тажрибадан ўтказишда машина компьютери пахта қуришини назорат этиши сабабли пахтанинг сифати яхши чиққан. Яна пахтага кетказилган қувватнинг нархи эса анча кам бўлган. Чунки, пахтани қуритишда машина доимий равишда юқори ҳароратда ишлаб турмайди.

(«Садо», «Америка Овози» радиостанцияси эшиттиришлари асосида).

ҲАР ГАЛ Тошкентдан Қўқонга уйга кетаётиб, «Ишқилиб тинчгина бориб-келайлик-да, вагонлар иссиқмикан, бирор кўнгилсизлик бўлмасин-да» дея хавотирланаман. Чунки ҳар сафар бирор кўнгилхиралик бўлмай қолмайди. Бу гал эса кутилмаган воқеа юз берди.

636-Андижон — Тошкент қўшимча поезди роппа-роса соат 21 дан 20 дақиқа ўтганда ўрнидан қўзғалди. Биз 12-вагонга 4 кишилик (купе) хонага чиптa олгандик. Хайрият шерикларимиз ҳам очиққина экан. Бир зумда танишиб ҳам олдик.

— Вагонлар иситилибдими, опа? — сўз қотди ўзганлик ёш келинчак Феруза.

— Кўз тегмасин, бугун пальтоларни ечиб, енгилгина дам оларканмиз, — дедим унга жавобан. Вагон назоратчиси чипталарни текшириб бўлгач, қайнаган сув ичиб озгина тамадди қилдик (Бозор иқтисодиётига ўтилгандан буён ўзингиз билан қуруқ чой, пиёла олган бўлсангиз маза қилиб чой ичишингиз мумкин. Акс ҳолда чой ичишни хаёлингизга ҳам келтирманг).

Йўқ, биз ўйлаганча бўлмади, Мириқиб дам олиш қаёқда дейсиз. Ҳамма машмаша соат 2.30—3.00 орасида бошланди. Бизнинг купе эшиги қулфланмас экан. Ҳар бекатда тўхтаганда чиптасиз йўловчилар чиқиб, бўш ўрин излашади. Ҳар дақиқада эшикни очиб безовта қилишади. Уйқу қаёқда дейсиз. Бир пайт хона эшиги аста очилиб, кимнингдир қўли кўринди. Кейин кийим илгичга илиб қўйилган турмуш ўртоғимнинг чет элда ишлаб чиқарилган курткаси кўздан ғойиб бўлди. Турмуш ўртоғим ярим кечаси вагонма-вагон ўғриларни излаб кетди.

** Ҳам куласиз, ҳам куясиз*

ЙЎЛДАГИ ҲАНГОМАЛАР

Мен бир нарсага ҳайрон қолдим. Аввалари соат 24.00 га яқинлашганда вагон назоратчилари вагонларга ўтиладиган ўрта йўлларнинг беркитиб қўйилишини, ҳар ким ўз ўрнини эгаллашини айтиб огоҳлантирарди ва ҳақиқатда 24.00 да ўрта йўллар беркитиб қўйиларди. Ҳозир-чи, ҳеч кимнинг иши йўқ. Вагон назоратчилари бекатлардан чиққан йўловчилар билан қизиқмайдилар, уларнинг чипталари борми, қайси вагонга чиқишлари лозим, умуман суриштирмайдилар. Акс ҳолда ўша куни (5 февраль) ярим тунда кимдир қўшиқ айтиб, кимдир қийқириб йўловчиларни безовта қилмаган бўларди.

Мен 12-вагон назоратчиси Анвар Йўлдошевдан нега вагонларга ўтиладиган йўллар беркитилмаганини, бу текин пул топиб ўрганганлар учун айниқса қўл келаётганини, нега вагонда тартиб йўқлигини сўраганимда «Қўлингдан келганини қилмайсанми! Мен қайси бирига қарайман. Мен ҳам одамман», — деган жавобни эшитдим.

Ачинарли ери шундаки, вагондаги йўловчиларнинг тақдири то манзилга етиб боргунча вагон назоратчисига боғлиқ бўлса-ю, А. Йўлдошев эса «Мен ҳам одамман» деб ўз хонасида беркиниб ўтирса.

Тўғри, шу куни куртка топилди, лекин бунинг учун турмуш ўртоғим ярим тунда вагонма-вагон анча сарсон бўлди. Агар ўрта йўллар очиқ бўлмаганда ўғрини тутиш сира қийин бўлмасди. Балки бу ҳангома ҳам бўлмаган бўлармиди?

Мен яна мутасадди раҳбарлардан нима учун 1 сўм тўланадиган чойшабларга ҳозирги кунга келиб 100 сўм тўлаётганлигимизнинг боисини тушунтириб беришларини илтимос қилардим. 280 сўмга чипта оласиз-у, атиги бир кеча фойдаланиш учун чойшабга 100 сўм тўлайсиз, 100 сўмга чойшаб олишга кимнингдир қурби етади, кимнингдир йўқ... Бундай пайтда вагон назоратчилари ҳам бўш келишгани йўқ. «Чойшаб олмасангиз тўшак ҳам берилмайди», дея сурбетларча йўловчилардан тўшакларни (матрацларни) олиб қўйишяпти. Ҳар гал тахлари бузилмаган янги чойшаблар берилганда ҳам, берган 100 сўмига ачинмаган бўларди, киши. Қизиқ, шунча пулга чойшаб оласан-у, эрталаб юзингни артишга сочиқ тополмайсан. Сочиқлар нархи ошиб кетгани сабабли балки бераётган 100 сўм ҳам камлик қилаётгандир?

Вагонлар совуқ бўлса-да, вагон назоратчиларидан жун адёл олиш амри маҳол. Кўпинча улардан «Бир кеча минг кеча бўлармиди, бир амалларсизлар. Ҳозир адёлларни тарқатсам уни эрталаб тахлаш ҳам бор», — деган жавобни эшитасиз.

636-Андижон — Тошкент қўшимча поездидаги бу ҳангомалардан Ўрта Осиё темир йўл бошқармасидаги мутасадди раҳбарларнинг хабарлари борми?

Обида МИРЗАҚУЛОВА.

Одоб-ҳонада

ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

● ОРЗУЛАРнинг меваси — сабрдандир,
Боғда гуллар кулгиси — сабрдандир.
● Чигал иш ечилур, бўлса ҳам банд,
Най шакар бўлур, шакар бўлур қанд.

● Кавсар сувин излаб овора бўлма,
Ширин тилинг бўлса, у даҳонингда.
Саъдий ШЕРОЗИЙ.

● Меҳмонга хизмат қилиш ишимдир,
Миннат қилса ҳам жондай кишимдир.
БИНОИЙ.

● Қўққисдан бирон кишига меҳмон бўлма,
Гар меҳмон бўлсанг кетар чоғи хон бўлма.
АТТОР.

● Соҳиби урфон эрсанг жоҳилга қилгунча эътироз.
Кечкин ондин, чун содда жавобдур тарки жавоб.
РИФЪАТ.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлаган.

* *Долзарб мавзу*

КЕЛАЖАКНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛ

ТАРБИЯНИНГ тўғри йўналишини кашф этиш инсониятни азалдан ўйлантириб келган. Бу борада тарбия билимдонлари ўз тажрибаларидан келиб чиқиб авлодларга маънавий мерос қолдириб кетишган. Бундай бойликнинг энг саралари йиғилиб, амалга тадбиқ этилган ва бу жараён ҳамон давом этмоқда. Ана шундай фидойи педагоглардан бири педагогика фанлари доктори, профессор Эргаш Чориевдир.

— Эргаш Чориевич, бугунги кунда мактабларда таълим-тарбия масаласига қай даражада эътибор бериш лозим деб биласиз?

— Мустақил Ўзбекистон Республикасининг конституцияси қабул қилингани унинг барча соҳада дадил тараққий этиши учун мустаҳкам пойдевор яратди. Мактабларимиз олдида бугунги кунда ниҳоятда жиддий вазифаларнинг кўндаланг турганлиги аниқ. Улар орасида ёш авлодга жамиятимизнинг ҳозирги даражасига муносиб ва мос бўлган таълим ва тарбия алоҳида ўрин олган. Айниқса, бу вазифалар ёшлардан ишчи синфини шакллантириш, йигит ва қизларда йўқолиб бораётган миллий касб-ҳунарларга мойилликни қайта тиклаш, хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиётидаги янги механизмига мослаштириш ва шу асосида янги иқтисодий тафаккурга ўтиш ишларини такомиллаштиришдан иборат. Такомиллаштириш дегани барча ўқувчиларнинг юқори ўқув имкониятлари даражасида дастур талаб этган билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштиришларига эришиш, ўқитишнинг зарур тарбиявий ва ривожлантирувчи таъсирини таъминлаган ҳолда диалектик дунёқарашни шакллантириш демакдир. Энг долзарб муаммо ўқув машғулотларининг мазмуни, шакл ва услубларининг янги йўналишларини топиш орқали, сифатини тубдан яхшилаш, ўқитувчини ҳам, ўқувчини ҳам ўз меҳнати учун масъулиятини оширишдан иборат бўлиши лозим.

Айни вақтда эса мактабда ўқув-тарбия жараёнига аниқ-равшан талаблар қўйган ҳолда ўқитишнинг шакл ва усулларини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг билим фаолиятларини фаоллаштириш, дарсларда компьютер ва бошқа техника воситаларидан унумли фойдаланиш йўллари белгиланган. Политехник таълим ғоясига ўқувчиларни ҳозирги замон ишлаб чиқариш асослари, уни жадаллаштиришнинг етакчи йўналишлари — механизациялаш, автоматлаштириш, компьютерлаштириш ва олинган назарий билимлар асосида уларни амалда қўллаш йўллари билан таништириш тараққиётга янги туртки беради.

— Таълим-тарбияни такомиллаштиришда асосан нималарга эътибор берилса, нималарга суяниб иш тутилса яхши натижаларга эришилади?

— Унумли услуб, шакл ва таълим воситаларини танлашдаги ўқитувчининг ижодий имкониятлари кенгайтирилса, педагогика фани ютуқлари амалга дадиллик билан жорий қилинса, шунингдек педагогик фаолиятда арзимаган камчиликларни рўкач қилишга йўл қўйилмаса, бир қатор ютуқларга эришиш мумкин. Бундан ташқари ўқитувчилар билан услубий ишлари жонлантириш, уларнинг ташаббусларини, ижодий изланишларини ҳар томонлама ривожлантириш, илғор педагогик тажрибани чуқур ўрганиш лозим. Бу кенг ва амалий дастур бўлиб, уни амалга ошириш умумий таълим мактабларида ўқитиш самарадорлигини тубдан кўтаришга, ҳар томонлама миллий йўналишларни ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия мазмунини ижобий томонга ўзгартиришга олиб келади. Бундай дастурни амалга оширишда авваллари яратилган педагог-амалиётчиларнинг тажрибалари, тадбиқ этилган нодир меросларни улоқтириб ташлаш мумкин эмас. Ахир педагогика фани бизга асрлар оша етиб келган-ку. Буюк шарқ алломалари Алхоразмий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлоний ва бошқа ўтмиш алломаларининг асарларида одоб, инсоф, қадрият каби таълим-тарбияга бағишланган халқ педагогикасининг бебаҳо меросларидан ётибди. Улар тажрибаси биз учун тайёр дастурдир.

— Сизнинг фикрингизча мактабни «Таълим қонуни» асосида қайта қуришда нималар ўзгариши керак?

— Маълумки, умумий ўрта таълимни қайта қуришнинг асосий соҳаларидан бири ўқув-тарбиявий жараён ҳисобланади. Бу жараён таълимнинг мазмуни, шакл ва услубларининг бир хил йўналишда бўлишини тақозо этади. Бунда халқ таълимини қайта қуришнинг умумий йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш, ҳар томонлама камол топган шахснинг шаклланишини таъминлаш, сиёсий, маънавий, эстетик тарбия билан биргаликда меҳнат, иқтисод, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тарбиясини кучайтириши керак. Айниқса ўқитувчилар оммасининг умумий маданий савияси, касбий саводхонлиги ҳамда руҳий педагогик тайёргарлигини ўстириш керак бўлади. Бундан ташқари тарбиявий таъсир ўтказиш тизими республиканинг барча аҳолисини қамраб олмоғи даркор. У фақат тарбияловчи бўлиб қолмай, балки ёмонликнинг олдини олувчи ҳам бўлиши керак. Камол топаётган инсон, унинг шахси тарбия қилинаётган инсоний муносабатлар марказида бўлиши, ушбу жараённи руҳий-педагогик ва ижтимоий-педагогик нуқтаи назардан таъминлаш зарур. Айниқса кадрларни сифатли тайёрлаш, аҳолини умумтаълим жараёнига жалб этиш каби вазифаларни амалга оширмоқ муҳимдир.

— Эргаш ака, сиз кўп йиллардан бери меҳнат таълими ва касб танлаш билан шуғулланасиз. Айтинг-чи, унинг келажаги қандай бўлади?

— Республикамиз ҳозир ўз тараққиётининг халқ хўжалигини тубдан ўзгартириш билан боғлиқ ўта муҳим босқичини бошдан кечирмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, иқтисодиёт ва ижтимоиёт соҳаларидаги инқилобий ўзгаришлар меҳнатга бўлган муносабатнинг ўзгаришига олиб келади. Бугунги кунда ёшларга таълим-тарбия бериш муаммоларини ҳал қила туриб, шарқ алломалари, мутафаккирларининг педагогик қарашлари мамлакатимизнинг умумий, политехник, ҳунар-таълим соҳасидаги тажрибасига таянамиз. Унинг ижобий томонларидан фойдаланамиз. Меҳнаткашларнинг касбий тайёргарлигида бир неча босқич мавжуд. Булар: умумий меҳнат тайёргарлиги ва фаолиятини бошлаш учун зарур ва етарли бўлган малака даражасида касб эгаллаш, махсус маълумотга эга бўлиш, меҳнат тайёргарлиги жараёнида ҳам ўз касбий маҳоратини ўстириб бориш, ижодий меҳнат ҳамда ўқувчининг компьютер техникасини эгаллашидир. Меҳнат фаолиятини такомиллаштириш уни ривожлантириш хусусиятларини аниқ тасаввур қила билиш ҳам зарур бўлади. Ана шундагина ўқувчиларнинг меҳнат тарбиясига ижтимоий, ишлаб чиқариш, руҳий-педагогик ва ташкилий-услубий омилларни ҳисобга олган ҳолда режали тарзда ёндошмоқ зарур бўлади. Меҳнат фаолияти турини ва уни уюштириш йўли бошқалар ичидан танлаб олиш, кенг жамоатчиликни ўқув-тарбия жараёнининг яширин имкониятларидан, халқ анъаналарининг тарбиявий имкониятларидан тежаб-тергаб фойдаланишга ўргатади. Ўқувчилар тарбиясига уларнинг фаолиятида мунтазам тузатиш киритиб бориш ўқув-тарбия жараёнини ўқувчилар Меҳнат тарбиясининг мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда мослаб бориш имкониятини беради. Юқорида қайд этилган муаммоларни ечиш ёшларимиз қалбига билим олишда, кўникма ва малака ҳосил қилишда катта аҳамиятга эга.

Суҳбатдош
Абдумалиқ АБДУРАҲМОНОВ.

«КАТТА БОҒ»ДА ШОДИЁНА

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «Катта боғ» маҳалласи аҳли бу ерда яшаб ўтган жонкуяр, халққа қайишувчан маҳалладошлари билан фахрланадилар. Юртимизнинг мард ўғлонларидан Абдулла Қодирий, Ғулом Зафарий каби етук инсонлар ҳам мана шу жамоадан етишиб чиққан.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш зарурки, айни пайтда маҳалла аҳли ёшларни мустақил республикамизга муносиб кишилар қилиб камол топтириш, улар ахлоқлиодобли бўлишлари учун фидойилик кўрсатишяпти. Фаолларнинг барча саъй-ҳаракатлари хонадонларда, тинчлик-тотувликни таъминлаш, инсоний қадриятларни ўғил-қизларга чуқурроқ сингдиришга қаратилган.

Яқинда ўтказилган Наврўз тантаналари фикримизга ёрқин далил бўла олади. Уюштирилган тадбирларда ёшлар ҳам фаол иштирок этдилар. Меҳр-оқибат, саховат, қадр-қиммат каби инсоний фазилатлар тантана қилганининг барча гувоҳи бўлди.

Шу куни маҳаллада яшаётган 11 нафар ночор оилага ёрдам пули ва байрам совғалари улашилди. Ҳофиз Ҳасан Ражабий ижросида янграган дилга ором берувчи қўшиқлар ҳаммага манзур бўлди.

«Катта боғ» маҳалласи жамоаси азалдан қадр топиб келаётган ана шундай удумлари билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Дилдора ОРИПОВА.

СУРАТЛАРДА: тантанадан лавҳалар.
А. Кондрашкин суратлари.

ЎҚИТУВЧИ ҚАДРИ

ёки мактаб маъмурияти ва ота-оналар ҳақида баъзи мулоҳазалар

ҲАМЗА районида бор билими ва куч-ғайратини келажак авлод учун сарф қилиб келаётган фидойи ўқитувчилар кўплаб топилади. Яқинда жамоатчи мухбиримиз республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, ўз фанининг етук билимдони, жонкуяр муаллима Дилором Зокирова ҳузурида бўлиб, ёшлар тарбияси, халқ таълими олдида турган вазифалар, мактаб маъмуриятининг ёшлар тарбиясидаги роли, ота-оналар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, суҳбатда бўлди.

— Ёшлар тарбиясига боғлиқ фикрларим ва ўйларимни бу-рундан қоғозга тушириб юрардим. Ёшларга тўғри тарбия бермай туриб, олдимизга қўйган мақсадга эришиш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун бизнинг олдимизда «Нима қилмоқ керак?» деган савол туриши керак. Унга жавобни кўпчилик бўлиб, ўйлашиб, ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб, баҳо бермагунимизча, ишимиз олға кетмайди. Сабаби, шу вақтга қадар мактабдаги таълим-тарбия ишлари қай даражада эканлигини билиш, камчиликнинг сабабини аниқлаш зарур. Кўпчилик ота-оналар тирикчилик ғамида бола тарбиясига қарамай қўйишди. Қайси бозорга, гузарга борманг нонми, сомса, мантими, балиқми сотиб ўтирган ўсмирларга кўзингиз тушади. Она бола тарбиясига қарамагунча, таълим-тарбия яхшиланмайди.

Мактабларни етарли ўқув базаси билан таъминламай туриб, таълим-тарбияни яхшилаб бўлмайди. Ҳозирги кун талабига мос жиҳозланган техник воситалар, методик қўлланмалар, спорт инвентарлари, дарсликлар, ўқув кабинетлари етарли бўлгандагина ўқув-тарбия ишлари намунали бўлади. Албатта, яхши муаллимсиз, яхши раҳбарсиз кутилган натижага эришиб бўлмайди. Яхши натижага эришмоқ учун уларни тўғри йўлга бошлайдиган муаллимлар, тажрибали мактаб директорлари бўлиши шарт. Яхши мактаб маъмурияти (директор, ўқув ишлари бўйича муовин, ташкилотлар ва бошқалар) муаллимлар, техник ходимларнинг барчасидан кўп биладиган, ишчи жамоага одил, адолат кўзи билан қарайдиган раҳбар бўлиши керак.

Мансабни яхши кўрадиган раҳбар яхши ишлайдиган ўқитувчиларни сеза билмайди. Улар меҳнатини тақдирламайди. Натижада муаллимлар ўртасида низолар келиб чиқади. Бу ҳол ўқув-тарбия ишига ўз таъсирини кўрсатади. Яхши муаллимларга яхши, одил раҳбар керак. Чунки, ишнинг сифатли бўлиши тил топишиб, ишлай олишга боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, муаллимнинг қадри, мактабдаги ўқув-тарбия ишлари, шогирдларнинг ўқишга интилиш ва қизиқишлари мактаб маъмурияти, директорга, ўқувчининг ота-оналарига боғлиқ.

Суҳбатдош:
Туроб ҚИДИРАЛИЕВ.

* *Яхшиларга эргашсак*

ҲАЛОЛЛИКДАН ТОПИЛГАН БАХТ

МИРЗО Улуғбек туманининг Тилла кўчасида истиқомат қилаётган Юсуфжон аканинг хонадонида бўлганимизда саранжом-саришталикдан баҳри-дилимиз очилди. Уй бекаси Ҳамидахон ая илиқ кутиб олар экан, ичкарига таклиф қилди. Қизлари Ҳабибахон эса дастурхон ёзди. Ҳамидахон ая лолақизғалдоқдек қизариб пишган, тандирдан янги узилган нонлардан олдимизга қўйди.

— Қани, нонга қаранг, ука, — деди Юсуфжон ака дастурхонга таклиф қилар экан. — Бир пайтлар забор карточкаларига нон олиб еган пайтларимиз ҳеч ёдимдан чиқмайди. Тўрт ёшимда етим қолиб, тоғам раҳматликнинг қўлларида катта бўлдим.

Юсуфжон ака билан суҳбатимиз узоқ вақт давом этди. У киши Улуғ Ватан уруши йилларида кўрган қийинчиликлари ҳақида тўхталиб ўтди. Ўтган йили Ҳамидахон ая билан турмуш қурганларига 30 йил бўлганини айтди. Шу давр мобайнида ая шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг Мирзо Улуғбек туманида фаррошлик қилиб, беш фарзандни вояга етказди. Юсуфжон ака ҳам оддий фаррош. Улар кўча супуриб, ўзларининг камтарона меҳнатлари билан бахтиёр турмуш кечиришмоқда. Оилада ҳар доим қут-барака бор. Ўғиллардан Акромжон қурувчи, Дадахон лаборатория ходими, Ҳикоят ва Ҳабибахонлар эса тикувчи бўлиб ишлашмоқда.

Ҳар куни Юсуфжон ака супурган йўлка бўйлаб ишга кетаман. Қўлоғимда у кишининг дилдан гапирган сўзлари: «Ҳалоллик, тўғрилик, меҳнатсеварлик инсоний фазилатлардир. Биз мана шу хислатларни ўзимизга сингдириб, ҳеч қачон кам бўлмаяпмиз».

...«Ойнаи жаҳон»да хонанда айрилиқ ҳақидаги қўшиқни ижро эта бошлади. Шу чоқ Юсуфжон аканинг қиёфаси ўзгарди. Ёшликда мурғак қалбига суврати чизилган меҳрибон онаси, жафокаш, барвақт ёруғ дунёдан кўз юмган отасининг хотираси ёдига тушган бўлса ажаб эмас.

Юсуфжон ака 14 ёшидан Фарғона водийсидаги жамоа хўжалигида кетмон чопиб, нонини ўзи топиб еган. 1960 йилда эса пойтахтимизга келиб, ҳамқишлоқлариникида истиқомат қилди. У одамлар қўлидан ишини олиб, ён-атрофдагиларга қўлидан келган ёрдамини аямади.

Ҳалол меҳнат қилиб, кўпчиликнинг эътиборини қозонаётган мана шундай оилалар доимо бор бўлсин, дегингиз келади.

Турсун АЗЛАРХОНОВ.

САРЛАВҲАНИ бежиз шундай атамадик. Балки ҳали сиз бунақа карвонни кўрмагандирсиз. Лекин 29 март куни соат 15 ларда Ҳамза туманидаги Янгиобод маҳалласи бекатида бўлган йўловчилар шунақа воқеанинг гувоҳи бўлишди.

6 ва 29-маршрут бўйлаб қатновчи трамвайларнинг охирги айланиш жойи бўлган бу бекатда бир эмас, балки 8 та трамвайнинг соатлаб кетма-кет саф тортиб туриши бу ерда ҳозир бўлганларнинг роса ғашини келтирди.

Карвон тузилишининг асосий сабабини айтсак, баъзи бировлар ўзларини кулгидан тиёлмасалар ҳам керак. Чунки биргина олдиндаги носоз трамвайни юз метрлар чамаси орқага тортиб қўшимча йўлга ўтказиш билан барча трамвайлар учун кўк чироқ бериладиган арзимас юк тортгич (буксировка) йўқлиги сабабли пайсалга солинаётганлигини ўзгача қандай баҳолаш мумкин.

* *Луқма*

Трамвайлар карвони

— Биродар қачон юрасизлар энди? — сўрайди тоқати тоқ бўлган йўловчилардан бири ҳайдовчидан.

— Кўрмаяпсизми аҳволни. Ахир атайлаб қилаётганимиз йўққу бу ишни, — уқтиради ҳайдовчи. — Тортгич бўлмаса нима қилайлик.

— Наҳотки ҳар бир трамвайда бўлиши лозим бўлган ўша тортгич шунча трамвайдан биттасида бўлмаса.

Ҳайдовчига савол ёқмади шекилли нари кетди. Шу аснода карвонлар сафига 3183 рақамли тўққизинчи трамвай келиб қўшилди.

— Сизда ҳам тортгич йўқми? — сўрайди йўловчи унинг ҳайдовчисидан.

— Йўқ эди шекилли, — эснайди ҳайдовчи.

— Ҳов ана, кабинанинг тагидан кўриниб турибдику.

— Ие, буни қаранг-а, бор эканми?! — сергак тортди ҳайдовчи.

Трамвайлар биринкетин «қоч нари тур» билан орқага юргизила бошланди. Ҳозирги ҳолатни кўрган киши беихтиёр ўзини йўлда эмас, балки бирор трамвай саройида юргандек ҳис этиши табиий.

Ниҳоят носоз трамвай қўшимча йўлга ўтказилди. Шундан кейингина 3281, 3232, 3298, 3149, 3235, 3285, 3213 рақамли трамвайлар учун ҳаракат қилиш имкони туғилди. Улар бирин-кетин манзил томон жўнаб кетишди. Лекин мана шу йўналишда қатновчи трамвайлардан фойдаланувчи йўловчилар бекатларда соатлаб қимматли вақтларини йўқотишди.

Навбатчидан бу масъулиятсизлик сабабини сўрасак у пинагини бузмай, кундалик ҳаётда бунақа воқеалар кўплаб учраб туришини айтди. Ана сизга масъулиятни ҳис этиш!

Ҳолмат МИРЗАКАРИМОВ.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

МУСТАҚИЛ республикамизда тил ўргатиш ва ўрганиш вазифаси ҳамманинг диққат-эътиборида турибди. Яқинда Жаҳон тиллари университетида ўз касбига меҳр қўйган талабаларнинг инглиз, француз, немис ва ўзбек тили фанларидан олимпиадаси бўлиб ўтди. Шуниси қизиқки, ёшлар бошқа тиллар билан бир қаторда ўзбек тилини ҳам ўз она тиллари каби пухта эгаллашяпти.

Ўзбек тилида ўтказилган беллашувда талабалардан Виктория Усова, Марина Мухова, Светлана Денисова фахрли ўринларни эгаллаб, яқинда ўтказиладиган республикалар олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини олдилар. Олимпиада сўнгида ўзбек тили шўъбаси раҳбари, кафедра мудири А. Маматов сўзга чиқиб, барча иштирокчиларга ташаккур изҳор этди.

Зикриё ШАРИПОВ.

«Мен сенга бир сўз айтаймми!..»
Рустам Шарипов суратлавҳаси.

* *Китоб жавонингизга*

БЕЗОВТА ҚАЛБ ТУҒЁНИ

Халқимизнинг безовта қалб фарзандларидан бири, таниқли олим Сафар Ўтановнинг «Ахлоқ ва экология» (Т. «Ўзбекистон», 1992 й.) рисоласи долзарб муаммони ўртага ташлагани билан диққатга сазовордир. Шу мўъжазгина китобча ўзидаги катта дарду изтироб ва қуюнчаклиги билан эътиборингизни беихтиёр тортади. Асарнинг юзага келиши катта бир ички эҳтиёж турткисидан десак муболаға бўлмас. Зеро, унинг ҳар саҳифасидан юртни, улусни ва заминни астойдил севгучи инсон қалбини ҳис қиласиз. Изтироб тепчиб турган варақлардан сизга ҳам бир эмраниш, безовталик кўчади. Олим экологик муаммонинг энг муҳим жиҳатларидан бўлмиш инсон ва табиат ўртасидаги муносабат ҳақида баҳс юритади.

Инсон, табиат, жамият, улар ўртасидаги мутаносиблик минг йиллардан бери алломаларни қизиқтириб келади. Ортга назар ташласак, инсон ва табиат орасидаги уйғунликнинг бузилиши қадимда ҳам кузатилган. Бироқ, тангри иноятиила яратилган борлиқ ва мавжудот устидан ҳукмронлик қилишга журъат сезишмаган ўзларида. Бизнинг асримизда эса ўзгача ҳукмронлик вужудга келдики, у ўз навбатида табиатни оғир фожиаларга гирифтор қилди. Бу кўргуликлар эндиликда инсоният бошига тушажак катта ҳалокатлардан дарак бериб турибди.

Биз табиатни Онага қиёслаймиз. Бу шоирона ташбиҳ эмас. Ҳақиқатдан ин сон табиатсиз, унинг саховатисиз ҳаёт кечиришни тасаввур эта олмайди. Айни пайтда нафақат жисмонан, балки руҳан ҳам яшолмайди. Табиатнинг ранго-ранг жилолари не-не руҳларга сурур бахш этмаган. Руҳият дунёмиздаги дарз кетишлар ўз навбатида табиатдаги ўзгартишлар билан боғлиқ. Шу боис шахс тарбиясидек мураккаб ишда экологик тарбия алоҳида ўринни эгалламоғи даркор. Олим айтмоқчи, «экологик тарбия, фақат ижтимоий масала бўлиб қолмасдан, балки энг муҳим ахлоқий масала ҳамдир».

Рисоладаги қуйидаги фикрлар ҳам кўпчиликнинг дилидаги каби жаранглайди: «Экологик вақшийлик жумҳуриятимизнинг айрим жойларида ҳамон давом этмоқда. Бунинг бир неча сабаби бор, ер ости ва бошқа бойликларнинг ҳақиқий хўжайини йўқлигидир. Иккинчи сабаб, табиатга келтирилган зарари учун, экологик мувозанатни ҳамда табиат билан жамият ўртасидаги уйғунлигини бузганлиги учун бизда ҳеч ким жазоланмайди, қонун олдида жавоб бермайди. Мутахассисларнинг етук эмаслиги, масъулиятсизлиги ҳам табиатга нисбатан йиртқичларча муносабатнинг шаклланишида асосий рол ўйнамоқда».

Дарҳақиқат, кўзни очиш вақти етмадими ахир! Табиатга ўтказаётган зуғумимиз орқасидан фарзандларимизнинг насибасини оғуламаяпмизми?! Бешикда беғуборгина бўлиб ётган маъсум гўдакнинг ҳаётига заҳарли сув, ҳаво зомин бўлмаслигига ким кафолат беради?

Республикамиздаги экологик вазиятнинг ҳалокатли бўлиб қолганлигини мустамлака даври асорати деди ва бу минг бора тўғри эди ҳам. Эндиликда мустақилликка эришган юртимизнинг эгалари — ўзимиз. Шу юртнинг, заминнинг қисматига тўла масъуллигимизни англамоқ фурсати етди. Энди гуноҳни бошқага ағдариб, сувдан қуруқ чиқишнинг иложи йўқ.

Аждодларимизнинг ҳоки туроби ётган ва яна неча авлодларга Ватан бўлмиш заминни кўзга тўтиё қилишга ўрганайлик. Сафар Ўтанов айтмоқчи «ҳар бир мингақада яшаётган туб аҳоли ўз она тупроғи, табиати ва унинг тақдири ҳақида қайғуриши, ғамхўрлик қилиши зарур».

Китобча бизнинг лоқайдлик ва карахтлик зада қилган дилларимизга бир олам безовталик олиб кириши тайин.

Аброр ХИДИРОВ,
Тошкент Давлат университетининг катта ўқитувчиси.
Анвар ХИДИРОВ,
ахлоқшунос.

Нодира ижодига бағишланди

Тошкентдаги 522-болалар боғчасида мумтоз шоира Нодирабегим таваллудининг 200 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Тадбирга тарбияланувчиларнинг ота-оналари, боғча атрофида жойлашган маҳалла аҳли таклиф этилди.

Мудира Мавжуда Ғиёсова тўпланганларга Нодирабегимнинг ҳаёти ва ижоди, ғазаллари, Қўқон ҳаётида тутган ўрни ҳақида сўзлаб берди. Сўнгра бу ерга ташриф буюрганлар эътиборига мураббийлар саҳналаштирган «Ғазал бўстонининг маликаси» деб номланган адабий мусиқали композиция намойиш этилди.

Нодирабегимнинг муҳаббат ва инсон тақдири ҳақидаги ўлмас ғазаллари, салтанат ишларидаги фаол иштироки ўз аксини топган мазкур томошада тарбиячилардан Муқаддам Рашидова, Бозоргул Қорабоева, Гўзал Султонова, Муҳаррам Толиповалар фаол иштирок этишди.

Кечада Маҳамаджон Қозоқбоев раҳбарлигидаги «Азим дарё» ашула ва рақс дастаси ҳам ўз дастури билан қатнашди.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

Шаҳар хотин-қизлар кенгашида

СОҒЛОМ ОИЛА—СОҒЛОМ АВЛОД МАНБАИ

МИЛЛИЙ байрам Наврўз олдидан Президентимизнинг юртимиз аёлларини янада юксакка кўтарувчи «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш ҳақидаги Фармони эълон қилинди. Қувончли хабарнинг қаноти бор деганларидек буни барча аёлларимиз қувонч билан қарши олдилар. Айни вақтда кўп жойларда мана шу орденга «ким ва қандай оилани тавсия этиш мумкин» деган мавзуларда муҳокамали давра суҳбатлари ва учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Куни кеча шаҳар хотин-қизлар Кенгаши клубининг навбатдаги тадбири ҳам худди ана шу мавзуга бағишланди. У «Соғлом оила — соғлом авлод манбаи» деган темада бўлиб, мана шу йўсинда иш олиб бораётган профессор ва олималар, шоираю зиёлилар, муҳандису тадбиркорлар ўзаро фикр алмашишди. Имкониятдан фойдаланиб шу даврада иштирок этганларнинг айримлари билан мулоқотда бўлдик.

— Ҳаётда аёл борки, демак келажак авлод, зурриёт бор. Аёл борки, ҳаётимиз чароғон, яшашдан маъно бор, — деб суҳбатни бошлаб берди шаҳар хотин-қизлар Кенгаши раиси Муборак Юнусхўжаева. — Президентимиз Ислом Каримовнинг марҳамати туфайли «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Бу шунчаки гап эмас.

Азизлар, биз мавзуимизни «Соғлом оила—соғлом авлод манбаи» дедик. Бунинг учун ҳам энг аввало она соғлом бўлиши керак. Қолаверса, ота ҳам ўз бурчини, ҳуқуқини, вазифасини унутмаслиги лозим. Ана шундагина дунёга келган авлод соғлом бўлиб вояга етади.

— Гапингиз жуда тўғри, Муборак опа. Кенгашда йиғин бор экан деб хабар беришганда қандай йиғилиш экан, бошқа ишларим кўп эдику, дея вақтимни қизғангандим. Минг шукрлар қиламанки, йиғиннинг мавзуси бизларнинг айнан ишимизга тақалиб келмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси миқёсидаги педиатрия илмий текшириш институтининг профессори Матлуба Азимжонова. —Сабаби республикамизда мажруҳ болалар жуда кўплаб топилади. Уларнинг муаммосининг чеки йўқ. Бундан 20 йил муқаддам, яъни 1973—75 йилларда чала туғилган 80-90 фоиз бола шифо топа олмай вафот этиб кетган. Чунки илмий-текшириш институти бўлгани билан, ногирон чақалоқларни текшириб даволайдиган бўлим умуман бўлмаган.

Лекин 1973 йил Ҳиндистондан келган мутахассислар шундай катта даргоҳда ногирон ва мажруҳ болаларни текшириш бўлими йўқлигидан таажжубланиб кетишганди. Ана шундан сўнг 1973 йилдаёқ илмий-текшириш бўлими ўз фаолиятини бошлади. Мана орадан 20 йил ўтибди, Бора-бора бу бўлимнинг фаолияти жаҳонга машҳур бўла бошлади. Айримлари ўз юртларидан атайин келиб кўриб кетишди. Улар Америкадан, Франциядан, Англиядан ва Шотландия давлатидан келган вакиллардир.

Бизнинг иш шароитимиз билан танишиш мақсадида америкалик мутахассислар 10 кун меҳмон бўлишди. Шундан сўнг бизни ҳам ўз тажрибалари билан ўртоқлашиш мақсадида юртларига таклиф этдилар. Ўтган йили икки киши 1 ой давомида улар тажрибасини ўрганиб қайтдик. Тажриба хонасига кирганимизда мен қандайдир заводнинг цехларига кириб қолдик, деб ўйладим. Чунки ҳар бир ногирон бола учун 1 тадан махсус аппарат ўрнатилган. Ҳамма иш компьютер асосида.

Шунинг учун азизлар, айниқса сиз оналар келажакда соғлом фарзанд туғилсин десангиз, бола она қорнида пайдо бўлган дастлабки кундан қайғурмоқни унутманг.

— «Соғлом оила —соғлом авлод манбаи». Дарҳақиқат, барчамиз соғ бўлсак ҳар бир яшаётган кунимиздан маъно бор, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева. — Дунёда шундай улуғ марта борки, у ҳеч қандай унвонга тенг бўлмайди. Бу — она бўлишдир. Мен келажак авлодга шу нарсани таъкидлаб айтмоқчиманки, биз аёлларни худо суйган, пайғамбар алқаган десак янглишмаймиз. Шунинг учун ҳам ўтмишга бир назар ташлаб момоларимизнинг табобатларини ижобат айласалар ҳеч хато бўлмайди. Чунки олдинги вақтларда ҳозиргидай табиблар эмас, халқ табобати билан даволайдиган оналар бўлишган. Тиш, томоқ, бош, ич ва суяк оғриқларини, куйган жойларни ўзлари даволашган. Шунинг учун ҳам ўзимизнинг миллий-маънавий бойлигимиздан баҳраманд бўлишни ҳеч ёддан чиқармайлик.

— Аввало фарзанд дунёга келишининг ўзи мушкулот, — дейди кўп болали она Собирахон ая Холбоева. — Президентимизнинг таъсис этган орденлари ҳадемай кўплаб оналарнинг кўкрагида яркирайди. Менинг 7 фарзандим, 20 та неварам, 10 та аварам бор. Улар ортидан эшитаётган ибратли гапларнинг ўзи мен учун олий нишон. Шунинг учун азиз сингилларим — қизларим бола тарбиясига сира бефарқ бўлманг.

— Айрим оналар ҳақида ёмон фикрлар эшитганимда ғазабимдан гўё ёниб кетаман, — деб суҳбатни давом эттирди нодир қобилият эгаси Муҳаббатхон Аматоева. — Мендан шифо сўраб турли ёшдаги, турли миллат ва турли касалликдаги одамлар келишади. Лекин кўпчилиги аёллар ва болалар. Уларнинг касалликларини бирма-бир санаб берсам, бошларини ушлаб қолишади. Лекин айниқса, болаларнинг бетоб бўлишида оналарнинг, оталарнинг ҳам айби каттадир. Ўз зурриёдингиз дунёга келдими, унга бўлган меҳрни дариғ тутманглар, дейман. Ийманинг, инсофни, диёнатни, оқибатни ҳар бир одам ўзига мулк қилиб олса, аминманки, келажагимизда соғлом авлод қолади.

— «Маликахон мактаби» иштирокчиларини шундай даврага ташриф этганларингиз учун минг ташаккур, — дея сўз олди раққоса Маликахон Аҳмедова. — Маънавий қадриятларимиз, тилимиз, динимиз, урф-одатларимиз ва одоб-ахлоқ бизнинг мактабда ҳам ўз ўрнини олган. Мана шуларга тўла жавоб бера оладиган қизларгина мактабимиз иштирокчилари бўла олади. Қизларнинг ҳар бир ҳаракатида ўзбек аёллари ва қизларининг ички нозик ҳис-туйғулари, кечинмалари кўриниб туради. Қаерда, қайси соҳада бўлмайлик, албатта соғлом авлод учун жон фидо этишга тайёрмиз. Фикримнинг исботи мисолида қизларимиздан бир гуруҳи ўзларининг севимли «Келибди» қўшиғи асосидаги рақсларини ижро этиб беришади.

Шундан сўнг долзарб мавзуга бағишланган суҳбат кечаси катта байрам тантанасига айланиб кетди. Ўзбекистон халқ артистлари Хайрулла Лутфуллаев, Рихси Иброҳимова, хонанда Озода Назарова, актрисалардан Малика Иброҳимова, Ойхон Ёқубова бошчилигидаги «Ёр-ёр» фольклор дастаси ўз ижодларидан намуналар ижро этишди.

Тадбир сўнгида Ўзбекистон Республикаси Президентига катта миннатдорчилик билдириш билан бир қаторда республика хотин-қизлар кенгаши раисининг муовини Дилбар Ғуломова ва педиатрия институти кафедра бўлими мудири, профессор Санъат Азизоваларнинг таклифлари асосида «Соғлом оила — соғлом авлод манбаи» дастури тузилиб, жойларда тарғиб этилиши инобатга олинди.

Шунингдек, шаҳар ижодкор аёллар бўлими таркибида иккита бўлим: Санъаткорлар ва маорифчилар шохобчаси ташкил этилиб, унинг йўриқчилари қилиб актёрлар уйи директори Насибахон Усмонова ва халқ таълими вазирлигининг бўлим назоратчиси Мукамбархон Азизовалар тайинланишди.

Гулзода АБДУЛЛА қизи.

СУРАТЛАРДА: долзарб мавзуга бағишланган тадбирдан лавҳалар.

Андрей Пишненко суратлари.

Муштарийлар илтимосига кўра

УЛАР МАЙДОНГА ТУШДИЛАР

НАВБАТДАГИ футбол мавсуми бошлангач, кўплаб мухлислар қўнғироқ қилиб бу йилги чемпионатда Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилаётган жамоалар аъзоларининг рўйхатини эълон қилишимизни сўрашмоқда. Иккинчи миллий чемпионатимизда пойтахт номидан илгари хабар қилганимиздек уч эмас, балки икки жамоа иштирок этаётганлигини эслатиб ўтар эканмиз, мухлислар илтимосини бажонидил бажарамиз.

«ПАХТАКОР»

ЖАМОА БОШЛИҒИ — Рустам Мирсодиқов (1954)

БОШ МУРАББИЙ — Баҳодир Иброҳимов (1945)

МУРАББИЙЛАР — Аҳмаджон Убайдуллаев (1954), Николай Любарцев (1942)

ДАРВОЗАБОНЛАР

Павел Бугало (1974)
Руслан Аҳмедхонов (1974)

ҲИМОЯЧИЛАР

Фарҳод Магометов (1962)
Мурод Алиев (1970)
Эркин Назаров (1974)
Маҳмуд Собиров (1967)
Ҳикмат Эргашев (1965)
Станислав Маргулис (1971)
Николай Ширшов (1974)
Владимир Аникеев (1976)

ЯРИМ ҲИМОЯЧИЛАР

Игорь Волков (1971)
Абдуқаҳҳор Маъруфалиев (1972)
Илҳом Шарипов (1968)
Нўъмон Хасанов (1971)
Отабек Дўсумов (1976)
Рустам Шоймардонов (1976)

ҲУЖУМЧИЛАР

Рифат Галиев (1971)
Валерий Кечинов (1974)
Шуҳрат Мақсудов (1970)
Собир Ҳодиев (1972)
Дмитрий Ивангородский (1973)
Низомиддин Насриддинов (1973)
Дилмурод Назаров (1976)

«ТРАКТОР»

ЖАМОА БОШЛИҒИ — А. Амбарцумов (1959).

БОШ МУРАББИЙ — В. Жилкин (1963).

МУРАББИЙ — В. Майоров (1964),

КЛУБ ПРЕЗИДЕНТИ — П. Никитин.

ДАРВОЗАБОНЛАР

Юрий Шейкин (1963)
Вячеслав Томилин (1959)

ҲИМОЯЧИЛАР

Рустам Иброҳимов (1971)
Дмитрий Полянцев (1967
Юрий Қосимов (1970).
Алексей Миронов (1973)
Андрей Букатин (1973)
Василий Калугин (1965).

ЯРИМ ҲИМОЯЧИЛАР

Алексей Евстафеев (1967)
Владимир Веселовский (1972)
Бахтиёр Жапарқулов (1973)
Станислав Кудряшов (1975)
Олег Тюлькин (1959).
Равшан Ҳайдаров (1961)
Павел Харин (1971)

ҲУЖУМЧИЛАР

Роман Дегтярев (1972)
Сергей Карий (1975)
Анатолий Матвеев (1974)
Дилшод Ўрмонов (1975)
Улуғбек Иброҳимов (1974)

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ЛИЦЕЙ СИНФЛАРИ ОЧИЛДИ

ЮНУСОБОД туманидаги Г. Димитров номли 9-мактабда ўқувчиларнинг фанлар бўйича ўзлаштиришлари ҳар қачонгидан ҳам яхши бўлмоқда. Айни пайтда 1200 нафардан ортиқ ўқувчи билим олаяпти. Билим даргоҳида турли фанлар ўқитилиши билан бир қаторда математика, химия, биология фанлари чуқур ўргатилади. Бундан ташқари мактабда инглиз ва араб тиллари ўқитилаяпти.

Бу ердан ташқари мазкур ўқув йили бошида иккита лицей очилганди. Бунга мактаб ва Тошкент молия институти ҳамда Тошкент Давлат университетининг тарих факультети билан ўзаро тузилган шартнома асос бўлди. Шунга биноан 25 та ўқувчи тарих факультетига мазкур фан баҳоси ҳисобга олиниб, 17 та ўқувчи эса молия институтига синовларсиз, тўғридан тўғри қабул қилинади.

Лицей синфларга шаҳримизнинг турли мактабларининг 9-синфини битирган ўқувчилар танлов орқали саралаб олинади. Лицей синфда ўқувчилар мактаб дастурини ўзлаштирган ҳолда ихтисослик бўйича яъни, математика, менежерлик, информатика қоидалари, иқтисод асослари, Ўзбекистон тарихидан ҳам билим оладилар. Сабоқларни ҳар икки олий ўқув юртининг малакали мутахассислари олиб борадилар.

Лицей синфлари ўқувчиларининг фанларни ўзлаштириши қутилгандек бўлмоқда. Айниқса, Зафар Тўхтахонов, Нозима Илёсова, Баҳодир Иброҳимов, Азамат Маматсолиев каби ўқувчилардан устозлари мамнун.

Назира ҚУРБОНОВА.

Чўнтаккесарлардан эҳтиёт бўлинг

«ҚЎЗА...КУНИДА СИНАДИ»

ТАРИХ қатларига чуқур назар ташлайдиган бўлсак, на инқилоблару урушлар чўнтаккесар ўғриларнинг «тухуми қуришига» олиб келмади. Уларни ҳар ерда учратиш мумкин. Чўнтаккесарлар ўз «анъаналари»га содиқ қолишга интиладилар ва кўчалардаги ишга, ўқишга шошаётган фуқароларнинг ҳамён ва чўнтакларини қуритиб, халққа бениҳоя моддий ва маънавий зарар етказмоқдалар.

Хўш, чўнтаккесарлар бошқа ўғрилардан нимаси билан фарқ қилади, деган ўринли савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, улар аксарият ўз «мижоз»лари билан юзма-юз келиб, қақшатгач, дарҳол кўздан ғойиб бўладилар.

Дарҳақиқат, хонадон ўғриси уйда ҳеч ким йўқлигида ўз ишини бажарса, чўнтаккесар бевосита жонли одам билан алоқада бўлади. Ва ҳар дақиқада ўз қурбонининг қўлига тушиб қолиш хавфи чўнтаккесарларда ўта хотиржамлик, бақувват асаб ва юксак ижро маҳорати каби ўзига хос хислатларнинг юзага чиқишига олиб келди. Бинобарин, тажрибали ўғрига чўнтак ёки хуржундан ҳамён, соат ёхуд пулни шилиб олиш учун атиги 2—3 сония кифоя қилади, холос. Ишни битиргач, у дарҳол кишилар оқимига сингиб кетади ёки ўғирлик молни шеригига узатади. Шунинг учун ҳам чўнтаккесарлар оддий халқдан ажралиб турмаслик учун ўртача кийинадилар ва аксарият ҳолларда кишилар кўп тўпланадиган жойларда — дўконларда, темир йўл ва ҳаво транспорти кассаларида, жамоат транспортида, бозорларда, бошқача қилиб айтганда оломон орасида «иш» қиладилар. Кўпинча улар бир неча кишидан иборат гуруҳлар таркибида ўғирлик билан шуғулланадилар.

Ана энди ички ишлар хабарномаларига кўз ташлайлик.

Шу йилнинг 21 январь куни 25-йўналишдаги автобусда «Меҳржон» истироҳат боғи бекатида ҳеч қаерда ишламайдиган С. исмли ёш йигит ва унинг шериги В. Чкалов номидаги Тошкент авиасозлик ишлаб чиқариш бошқармасининг ишчиси Л. йўловчи қизнинг сумкасидан ҳужжат ва пулларни ўмариб, бирпасда жуфтакни ростлаб қолганлар...

Умуман, чўнтаккесарлар ўз қурбонларининг чўнтагига қандай қилиб тушадилар? Бу жуда ҳам осон иш деб ўйлайдиганлар янглишадилар, албатта. Кўпинча ўғри ўзи танлаган одамнинг изига тушиб, дарли бутун шаҳар ичида уни кузатиб боради, дўконларга киради ва пулини қаерга беркитаётганини ҳамда яхшилаб яшираяптими-йўқми, синчиклаб кузатади. Уни зор қақшатиш мумкин эканлиги ҳақидаги хулосага келгач эса чўнтаккесар қулай пайтни пойлайди ва яшин тезлигида «операция»ни амалга оширади. Яъни, бритва ёки чархланган танга ёрдамида сумкани кесиб, пинцет билан буюмни ўғирлайди. Баъзан матони хлорид кислота билан тешиб қабиҳ ниятига етишга ҳаракат қилади. Чўнтаккесарлар ўз мақсадларига етиш учун турли хил айёрликлардан фойдаланадилар. Биттаси чўнтакни бўшатаётган пайтда бошқаси уни атрофдаги нигоҳлардан орқа ёки ён томондан муҳофаза қилиб туриши ҳам мумкин.

...24 январь куни 40-йўналишдаги автобус «Тезиков» бозори бекатига етганда юқорида тилга олганимиз С. ва Л.лар йўловчи ёш йигитнинг чўнтагидан ҳужжатларини шилиб кўздан йўқолганлар.

Ҳа, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, жуда малакали «эски» ўғрилар тонфаси ҳам борки, улар ҳатто сийнабанд ичига яширилган пулни ҳам сездирмасдан ўғирлашга қодирлар. Бироқ чўнтаккесарларнинг аксарият қисми ўзини уриниб ўтирмай таваккал иш тутадилар — киши танасидан узоқроқ жойлар бўлмиш пальто ва костюмларнинг ташқи чўнтаклари, шимнинг орқа чўнтаги, хўжалик сумкалари ва пакетларга тушадилар. Агарда сиз чўнтагингизда нотаниш қўл ўрмалаётганини сезиб қолсангиз ҳам ўғри жазодан қутулиб қолиши мумкин: у ҳамённи ташлаб юборади ёки шеригига узатади, қарабсизки, қип-қизил туҳматчи бўлиб ўтирибсиз. Кўпинча дастлаб жабрланувчи рўй бераётган ҳодисага ишонишини ҳам билмай ўзини йўқотиб қўяди, ўғри эса ҳар бир сониянинг ҳисобини олади. Бундай нохуш вазиятдан чиқишнинг йўли битта — киссавурлардан ўзингизни ҳимоя қилиш. Яъни биринчидан йирик пулларингизни костюмнинг ички чўнтагига, қулфланадиган портфель ёки жуда бўлмаганда чарм сумкага яхшилаб беркитинг. Аёлларга эса катта миқдордаги пулларни ёнларида олиб юрмасдан ҳамроҳлари бўлмиш эркакларга топшириб қўйишни маслаҳат берамиз. Жуда бўлмаганда кийимингизнинг ички қисмига кичкина чўнтакча тикиб, унга йирик пулларингизни жойласангиз ҳам бўлади.

...27 январда 10-троллейбуснинг «Турон» меҳмонхонаси бекати атрофида яна ўша С. ва Л.лар транспортдаги йўловчининг сумкасини кесиб, унинг 6.350 сўм пули ва омонат дафтарчасини ўғирлаб бу гал ҳам ими-жимида қочишга муваффақ бўлишди.

Чўнтаккесарлар аксарият ҳолларда аниқлашларига кўра ёнида йирик миқдордаги пули бор кишилар киссасига тушадилар. Шу сабабдан бирор нарса харид қилаётганингизда зинҳор-базинҳор ҳамёнингиз ичидаги ҳамма пули олманг. Ёки пулларингизни кўпчилик орасида санаманг.

Чўнтаккесар ўғриларни қай тарзда билиш мумкин? Қандайдир нотаниш киши сизга жуда ёпишиб ҳаракат қилса ёки гўёки қўли ногаҳон тегиб кетса, сумкангиз ичида нима борлигини диққат билан кузатса, албатта, бохабар бўлиб туринг. Гап орасида, ҳамсуҳбатингизнинг юзига синчковлик билан кўз ташланг. Киссавурлар доимо кишининг чўнтаклари, сумкаси жойлашган бел қисми атрофларини мўлжалга олиб турадилар.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш ўринлики, чўнтаккесарларни фош этиш жуда мушкул иш ва шу ўринда «Қўлга тушмаган — ўғри эмас» нақли юз фоиз тўғри келади. Бироқ аксар ҳолларда ўғри сизни тинч қўйиши учун диққат ва шубҳа билан назар ташлашингизнинг ўзи кифоя.

«Қўза кунда эмас, кунида синади», деганларидек ниҳоят бу гал жуда қуюқдондан чиқиб кетаётган чўнтаккесарларнинг разил фаолиятига чек қўйилди. Шу йилнинг 27 февраль куни 10-троллейбусининг «Янгиариқ» бекатида текинхўр, ишсиз С. ва авиабирлашма ишчиси Л.лар ёш аёлнинг сумкасидан паспорт ва пардоз-андоз йиғмасини ўғирлаётганларида «омад» улардан юз ўгирди. Юнусобод туман Ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан чўнтаккесарлар ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Юқорида эслатиб ўтилган барча жиноятларини улар бўйниларига олишди, ҳозир жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўғрилар дунёсида ҳам, тартиб посбонлари орасида ҳам ўз ишнинг усталари бор. Азиз ҳамшаҳарлар, милиция ходимларига ўғриларга қарши курашда ёрдам беринг, агарда сизни шилиб кетишган бўлса милицияга мурожаат қилишдан уялманг.

Радик СОЛИЕВ,
милиция лейтенанти.
Дилшод ИСРОИЛОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

АВ АСТРОВАЗ

«АСТРОВАЗ»
АКЦИОНЕРЛИК
СУҒУРТА ЖАМИЯТИ

Манфаатдор шахсларга Ўзбекистон Республикаси патент маҳкамаси томонидан фирмамизнинг қуйидаги янги номи ва маҳсулот нишони рўйхатга олинганлигини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ;

«АРК» суғурта гуруҳи».

«Группа страхования «АРК».
«АРК insurance group».

Манзилимиз: 700064, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 14-уй.

Телефонлар: 55-66-86, 55-67-10, 55-65-58.

«АРК-патент» жамияти «АРК» суғурта гуруҳининг топшириқномасига кўра қуйидагиларни суғурта қилдиришни тавсия этади:

- **Ўзбекистон Республикаси патент маҳкамаси билан ҳамкорликда — ақлий ва саноат мулки, муаллифлик ҳуқуқлари;**
- **мижозларнинг шартларига мувофиқ, уларнинг ҳаёти ва саломатлиги, тиббий, мол-мулки ва бошқа суғурта турлари.**

ЖАМИЯТ БАРЧА ХОҲЛОВЧИЛАРНИ СУҒУРТА АГЕНТЛАРИ БЎЛИБ ИШЛАШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Фучик кўчаси, 2«а» уй, 101-хона.

Телефон: 32-03-69.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЦИРКИ

ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ЦИРК

(Хадра майдони)

10-18 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

ЯНГИ ПРОГРАММА

(2 бўлимда)

ЎЗБЕК ЦИРК ЖАМОАСИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

ЮБИЛЕЙ ТОМОШАЛАРИ

«МАНГУ ЁШЛАР ВА ҚУВНОҚЛАР» ДАСТУРИДА

ЎЗБЕК ЦИРКИНИНГ ЕТАКЧИ УСТАЛАРИ ВА ҲАМДЎСТЛИК МАМЛАКАТЛАРИНИНГ АРТИСТЛАРИ ҚАТНАШАДИЛАР.

Акробат-эксцентриклар — ҚОРАҚУЛОВлар; снимдорда — Т. ТОШКЕНБОЕВ; Н. ЕНКОВСКАЯ раҳбарлигидаги ўргатилган итлар; О. ТОШКЕНБОЕВА раҳбарлигидаги ўргатилган каптарлар; паҳлавон Р. ҲАКИМОВ; В. СМЕЛКОВАнинг бўғма илонлар билан рақси; Э. ТЕРЕХОВнинг иллюзион ҳазиллари; СССР халқ артисти Х. ЗАРИПОВ ва К. ЗАРИПОВнинг олий чавандозлик мактаби; К. ЗАРИПОВ раҳбарлигидаги гилдиракда югурувчиларнинг чиқишлари; ҳаво гимнастикачиси Р. РАЗУХЎЖАЕВА; белда ҳалқа айлантирувчилар — Д. ТОШКЕНБОЕВА, Е. РАЗУХЎЖАЕВА; Ўзбекистон халқ артисти А. ТОШКЕНБОЕВА раҳбарлигидаги дорбозлар;

Масхарабозлар гуруҳи: Н. ҲАКИМОВ, В. ШИПОВАЛОВ, Э. ТЕРЕХОВ.

Ўзбек давлат циркининг эстрада оркестри жўр бўлиб туради.

Бош дирижёр —Н. КАРАКАДАЕВ.

РЕЖИССЕРЛАР — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: И. ТОШКЕНБОЕВ, Г. ХАБАК.

ТОМОШАЛАР: соат 18.00 да; шанба кунлари соат 14, 17.00 да; якшанба кунлари соат 12, 15.00 да бошланади.

Касса соат 10 дан 18.00 гача ишлайди.

Чипталарни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотиб олиш мумкин.

ОММАВИЙ ТАЛАБНОМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қишлоқ жойларидан тушган талабномалар бўйича навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади.

ЦИРК ФОЙЕСИДА ШОШИЛИНЧ СУРАТКАШЛИК УСТАХОНАСИ ИШЛАЙДИ.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/IV да Афандининг беш хотини (17.30).

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги адабиёт институтининг эски гербли

ДУМАЛОҚ МУҲРИ
йўқолганлиги туфайли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Атторлик савдо ташкилоти жамоаси 38-дўкон мудири Р. Мусажоновга отаси **Юнус МУСАЖОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент оқшоми

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; . эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Буюртма Г—173. 19899 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 11.50. Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6